Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 29 апрель, шанба • № 34 (10.710) • Эркин нархда сотилади

Вилоят ҳокимлигида

ВАЗИЯТ НАЗОРАТ ОСТИДА БЎЛСИН

27 АПРЕЛЬ куни Тошкент вилояти ҳокимлигида республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги фавқулодда вазиятлар бўйича комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков бошқарди.

Йиғилишда бу йилги шароитда фавқулодда юз бериши мумкин бўлган тошқинлар, сел оқимлари ва кўчкилар ҳеч кимни ғафлатда қолдирмаслиги учун зарур тадбирларни амалга ошириш, табиий офатлар юз берадиган жойларда истиқомат қилувчи аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш биринчи галдаги асосий вазифалар эканлиги таъкидланди.

Фавқулодда вазиятлар республика комиссиясининг йиғилиши айнан Тошкент вилоятида ўтказилганлиги ҳам бежиз эмас. Чунки, Тошкент вилояти селлар ҳосил бўладиган, баҳор тошқинлари ва кўчкилар миқёси кенг бўлиши кутиладиган минтақада жойлашган. Шундай экан, табиий офатларнинг олдини олиш, уларга қарши кураш, табиат ҳурружларининг бошланишини олдиндан пайқаб, чоратадбирлар кўришга барча маҳаллий ҳокимликлар, масъул идоралар ва хизматлар шай бўлиб туришлари керак.

Йиғилишда вилоят худудида рўй бериши мумкин бўлган тошқин, сел оқимлари ва кўчки ҳодисаларининг олдини олиш юзасидан кўрилаётган тадбирлар муҳокама қилинди. Бу борада амалга оширилаётган ижобий ишлар билан бирга йўл қўйилаётган камчиликлар ҳам кўрсатиб ўтилди. Биринчи навбатда офатларнинг ҳуруж қилиши мумкин бўлган йўналишларини зудлик билан аниқлаш, тошқинлар, кўчки ва селнинг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича ишларни ўз вақтида амалга ошириш юзасидан саъи-ҳаракатларни мувофиқлаштириш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда бу ишларга масъул бўлган республика вазирликлари, идоралари раҳбарлари ва табиий офатлар хавф солиши мумкин бўлган Бўстонлиқ, Оҳангарон, Паркент туманлари ва Ангрен шаҳри ҳокимларининг ахборотлари тингланди. Масъул идораларга зудлик билан амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар топширилди. Қўшимча тадбирлар белгиланди.

Йиғилишда Тошкент вилояти ҳокими Э. Рўзиев сўзга чиқди.

Ислоҳот одимлари

КАРИМ ҲАЛИЛОВНИНГ «АДОЛАТ»И

ЗАМОН ўзгарди. Одамлар дунёқараши, руҳиятида бурилиш катта. Президентимизнинг «Деҳқон (фермер) хўжаликларини янада ривожлантириш ва ишбилармонлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармони чиқди-ю, Каримжоннинг орзулари қанот ёзди.

Каримжон Ҳалиловга у ишлаётган Оққўрғон туманидаги «Султонобод» жамоа хўжалиги бошқаруви 70 гектар суғориладиган ер майдони ажратиб берди. Фермер билан хўжалик ўртасида ҳамма шартлар келишиб олинди: ўғит, дори, техника, транспорт, ёнилғи билан вақтида таъминлаш ва ҳоказо. Ёш тадбиркор ўз хўжалигига «Адолат» деб ном қўйди. Ака-ука, ўғил-қиз жами 14 жон бултур 52 гектар ерда буғдой, 18 гектар ерда пиёз етиштиришди. Йиллик даромад 200 минг сўмдан ошиб кетди. Банкдаги ҳисобрақамига 80 минг сўм пул тушди.

Каримжон Ҳалилов бу йил режасини тубдан ўзгартирди. Жами 70 гектар майдоннинг ҳаммасига пахтанинг эртапишар ва серҳосил «С-65-24» нав чигитини экди. Мўлжали гектар бошига 35 центнердан хирмон кўтариш!

Каримжонга ўхшаган юрагида ўти, ғурури ва шижоати бор тадбиркорлар вилоятимизда кўплаб топилади. Шу боис ҳам фермерлик ҳаракати айрим тўсиқ ва қийинчиликларга қарамай ўзига дадил йўл очяпти. Ҳозирги кунда фермер хўжаликлари сони 2000 дан ошди. Шундан 1216 таси мустақил ва 786 таси ижара пудрати асосида иш юритяпти. 1225 та фермер хўжалиги деҳқончиликка, 777 таси чорвачиликка ихтисослашган. бу хўжаликларда қарийб 9700 киши меҳнат қилмоқда. Ёки бошқача айтганда, бу кўрсаткич ўтган йилдагига нисбатан 5900 кишига кўпдир.

Президентимизнинг қишлоқда ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва тадбиркорлик ҳаракатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳақидаги қатор фармонлари ҳамда ҳукуматимизнинг уларга яратиб бераётган катта имтиёзлари туфайли фермерлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Ана шундай имтиёзларга кирувчи энг муҳим масалалардан бири — ер тақсимоти масаласидир.

Маълумотларга қараганда, бу борадаги ишлар ёмон эмас. Шу кунгача фермер хўжаликлари учун салкам 25,000 гектар ер ажратилган, унинг 17,000 гектарга яқини суғориладиган ер майдонларидир.

Аммо ҳозир бу ҳам камдек туюляпти. Чунки, қўшимча ер сўраб ариза берган фермерларнинг сони анчага боради. Бунинг маъноси шуки, фермер ўзини, рўзғорини анчамунча ўнглаб олди. Ўз ерида, фермасида ҳалол ва фидойи меҳнат қилса, нималарга қодир бўла олишини энди тушуниб етди.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларнинг секин бораётгани сир эмас. Бунинг жуда кўп сабаблари бор, албатта. Лекин, деҳқон (фермер) хўжаликлари мавжуд муаммоларни бартараф этиш, қийинчиликларни енгиб ўтиш борасида маълум даражада тажриба тўпладилар. Уларнинг бугунги туриш-турмушини кўрган, «буёғи қандоқ бўларкин?» деб иккиланиб юрган кишилар энди уларга эргаша бошладилар. Энг муҳими — одамлар қишлоқда бораётган ислоҳотлар сиёсатининг нечоғлик тўғрилигига, фермерлик ҳаракатининг ёрқин истиқболига ишонч ҳосил қилдилар. Вилоятда деҳқон (фермер) хўжаликлари сони ҳозирги кунда 1994 йилга нисбатан 750 тага, жумладан, мустақил фермер хўжаликлари 430 тадан зиёдроққа кўпайганлиги шундан далолатдир.

> • **Фермернинг дастлабки одимлари**
>
> • **Банкда шахсий ҳисобрақами**
>
> • **Фермер хўжаликлари сони ортмоқда**
>
> • **Имтиёзлар нималар берди?**

Қишлоқда ислоҳотларнинг иккинчи босқичига қадам қўйилди. Бу босқичдаги энг долзарб масала — мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни янада чуқурлаштиришдан иборатдир. Хусусий мулкка эга бўлиш ҳиссиёти ишга муносабатни тубдан ўзгартирди, бозорни маҳсулотлар билан тўлдиряпти ва халқ турмуши фаровонлигини оширишда бош омил вазифасини ўтаяпти.

Республикамиз ҳукумати деҳқон (фермер) хўжаликлари ҳақиқий маънода эркинликка эришишлари учун яна бир ҳайрли ишга қўл урди. Ерни узоқ муддатга, ворисларига мерос қолдириш ҳуқуқини берган ҳолда фуқароларга кимошди савдоси орқали сотиш хусусидаги ҳужжат эълон қилинди. Ерни шахсий мулк қилиб бериш масаласи ҳал этилди. Чунки деҳқон ер ўзиники эканини тўла ҳис этмагунча унга чинакам меҳр қўя олмас эди.

Билимдон, тажрибали, тадбиркор деҳқон (фермер) айни кунларда ўзига яратиб берилган катта имконият ва ғамхўрликни тўғри тушуниб етиб, астойдил меҳнат қиляпти. Ҳозирги кунда вилоятимиз фермерлари ихтиёрида 225 та юк автомобили, 266 та трактор, 172 та тиркама ва бошқа воситалар борлиги бунинг яққол исботидир.

Вилоят фермерлари қарамоғида ҳозир 12670 бошдан ортиқ қорамол мавжуд. Чунончи, фермерлар бугун 3600 бош сигир, 18800 бошдан кўпроқ қўй ва эчки, қарийб 17700 паррандага эгалик қилмоқдалар.

Вилоятимиз бўйича жорий йилнинг биринчи чорагида фермер хўжаликлари томонидан 2680 тонна сут, 1290 тоннадан зиёд гўшт етиштирилди. Ёки бу ўтган йилдагига нисбатан 1400 тонна кўп сут, 690 тонна кўп гўшт, демакдир. Чорва туёғи ҳам кўпаймоқда. Деҳқон (фермер) хўжаликларида ўтган йилга нисбатан қорамоллар сони 9 минг бошга, жумладан, сигирлар 2360 бошга, қўй-эчкилар 11 минг бошга, отлар қарийб 1450 бошга кўпайди.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтганда, фермерлар фаолиятида ўсиш, ўзгаришлар бор. Фермерларга банклар томонидан қарз пули бериш анча тартибга тушиб қолди. Шу кунгача вилоятимиздаги деҳқон (фермер) хўжаликларига 20560 минг сўм қарз берилганлиги бунинг яхши исботидир. Аммо, банк ва солиқ хизматини янада яхшироқ йўлга қўйиш керак. Улар ўзларига топширилган ишларни ҳамон лозим даражада бажармаётирлар. Қарз бериш устамалари ҳануз жуда баланд. Банкларда ҳисоб рақамларини очишда тўсиқлар бор. Кўпинча бу иш узоқ вақтларга чўзилиб кетмоқда. Масалан, январь ойида ҳисоб рақамлари очиш бўйича тушган илтимосномаларнинг Бекобод тумани бўйича 74 тадан атиги 62 таси, Ўртачирчиқ туманида эса 69 тадан 18 таси қондирилган, холос.

Маълумки, банк билан тадбиркор ўртасида ҳисоб-китоб ишларини юритиш юзасидан шартнома мавжуд. Унда томонларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилган. Ана шунга кўра банклар фермерларга ўз хўжалигини оёққа турғазиб олиши учун фақат маблағ билангина эмас, балки, амалий маслаҳатлар билан ҳам яқиндан ёрдам бериши лозим. Фермер хўжаликларига сервис ва зооветеринария хизмати кўрсатишни ҳам янада яхшилаш керак. Айниқса, зооветеринария хизмати кўрсатишда жиддий нуқсонлар бор. Юқоричирчиқ, Чиноз туманларида ҳозиргача биронта зооветеринария пункти ташкил этилмаган. Ҳар бир шартли мол бошига Бўстонлиқ туманида 0,27, Зангиотада — 0,6, Ўртачирчиқда — 0,08 сўмлик хизмат кўрсатилган, холос. Молларни сунъий ва табиий урчитиш ишлари ҳам ўлда-жўлда.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, жойлардаги туман фермер (деҳқон) хўжаликлари уюшмаларининг аксарияти талаб даражасида иш олиб бормаяпти. Уларнинг баъзилари «хўжа кўрсин»гагина мавжуд. Тадбиркорни қўллаб-қувватлаш ҳақидаги Президентимиз фармонларидан келиб чиқадиган асосий вазифа ана шу нуқсонларни тезроқ бартараф этишни тақозо этади. Ана шунда чинакам ўсиш ва ўзгариш бўлади.

Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ.

ЯНГИЛИКЛАР * ХАБАРЛАР * ВОҚЕАЛАР

ВИЛОЯТИМИЗ ҲАЁТИ: ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ҲАММАМИЗНИНГ ИШИМИЗ

БАЛОҒАТГА етмаган ёшлар билан ишлаш, уларни тарбиялаш, фойдали меҳнатга жалб этиш, билим бериш ва ҳунар эгаллашлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш шу кунинг энг муҳим вазифасидир.

Тўғри, жойларда бу масала билан мунтазам шуғулланилмоқда. Лекин, тахлиллар бу борада олиб борилаётган ишлар талаб даражасида эмаслигини кўрсатмоқда. Айниқса, сўнгги ойларда вилоятимиздаги айрим туман ва шаҳарларда ёшлар ўртасида содир этилаётган турли жиноятлар, ҳуқуқбузарликларнинг ортиб бораётганлиги ташвишлидир. Шунингдек, бир қатор худудларда вояга етмаган ёшларни иш билан таъминлаш ҳам яхши ташкил этилмаган.

27 апрель куни Тошкент вилояти ҳокимлигида вояга етмаган ёшлар иши билан шуғулланувчи вилоят комиссияси мажлисида ана шу долзарб масалалар муҳокама этилди.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг муовини Д. Жаҳонгирова бошқарди.

Йиғилишда юз берган вазиятга жойлардаги вояга етмаган ёшлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар ишининг бўшашиб кетганлиги ҳам сабаб бўлаётганлиги таъкидланди. Шундай экан, зудлик билан барча шаҳар ва туманларда бу комиссиялар таркибини янгилаш, ишини жонлантириш, халқ таълими, ҳунар-техника билим юртлари бошқармаси, Ёшлар Иттифоқи, «Маҳалла» жамғармаси, Ички ишлар бошқармаси, меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш бошқармаси ва бошқа ташкилотларнинг, идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш зарурлиги айтилди.

Йиғилишда, шунингдек, вояга етмаган ёшлар иши билан шуғулланувчи вилоят комиссиясининг янги таркиби, Низоми тасдиқланди. Кўрилган масалалар юзасидан қўшимча тадбирлар белгиланди.

СОНИ 18 ТАГА ЕТДИ

ЮҚОРИЧИРЧИҚ туманида давлат мулкини хусусийлаштириш, жамоа мулкларининг шаклини ўзгартириш ишлари кизғин давом этмоқда.

Айниқса, ҳиссадорлик жамиятлари кўпайиб бормоқда. Ҳозирга келиб уларнинг сони ўн саккизтага етди.

Бундай жамиятлар орасида давлатга қарашли саноат корхоналари, транспорт ташкилотлари, жамоа хўжаликлари бор. Йил бошидан бери «Юқоричирчиқ», «Деҳқон», «Политотдел», Аҳмад Яссавий номли жамоа хўжаликларининг мулк шакли ўзгарди. Улар ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилди. Бундай жамиятларнинг айримлари ўз акцияларини чиқариб сотишга тайёргарлик ишларини бошлаб юбордилар. Шу йилнинг биринчи ярми охиригача яна олтита жамоа хўжалиги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилади.

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНДИ

27 апрель куни вилоят ҳокимлигида муддатли ҳарбий ва мукобил хизматга чақирилувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш ва соғлом йигитларни аскарликка кузатишни ташкил этиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларининг ушбу масала бўйича шуғулланувчи муовинлари, мудофаа ишлари, ички ишлар, соғлиқни сақлаш бошқармалари раҳбарлари, бошқа мутасаддилар қатнашдилар.

Вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи П. Ражабов чақириқ комиссиялари фаолиятини таҳлил қилиб, айрим туман ва шаҳарларда бу масъулиятли ишга жиддий ёндошилмаётганлигини танқид қилди. Ўртачирчиқ, Бўка туманларининг чақириқ пунктларида ташкилий ишлар қониқарли эмас, аскарликка ҳўнатилаётган йигитлар ва уларнинг ота-оналар учун кузатув жойларида шароитни яхшилаш талаб қилинади.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи муовини Қ. Садиров чақириқ комиссияси аъзолари ўз вазифаларига сидқидилдан ёндошишлари, ҳар бир чақирилувчининг саломатлигини пухта ўрганишлари зарурлигини қайд этди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар апрель ойида амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот бериб, келгуси режалари хусусида ҳам тўхталдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг муовини Д. Жаҳонгирова олиб борди.

«НУРОБОД»ДА ЯНГИ ДЎКОН — НОВВОЙХОНА

Ангрендаги «Нуробод» кичик корхонаси ҳузурида мўъжазгина новвойхонаси бўлган янги нон дўкони очилди.

Иссиқ нон новвойхонадан тўғри дўконга чиқарилиб, харидорларга сотилмоқда.

Ангрен нон заводига берилаётган буюртмалар кўпайиб кетганлиги сабабли кейинги пайтларда нон етказиб беришда тез-тез узилишлар рўй бераётган эди. Энди эса бу янги новвойхона ишга тушиб, бу муаммо ҳам муваффақиятли ҳал этилди, ҳисоби.

Янги корхона ва дўкон асосан тадбиркор А. Абдурахмоновнинг ташаббуси билан вужудга келди. Ангрен шаҳри ҳокимлиги эса бу ташаббусни ўз вақтида қўллаб-қувватлаб, уни амалга оширишга бош қўшди. Мўъжаз бўлгани билан юқори унумли ускуналарни эса Туркия фирмаларидан сотиб олишди. Новвойхона бир кеча-кундузда 2,5 тоннагача нон ва нон маҳсулотларини пишириш қувватига эга. Тадбиркорлар дўкон учун баъзи сабаблар билан ишламаётган «Океан» магазини биносини танлашди. Уни таъмирлаб, дид билан жиҳозлашди.

— Энди бу ердагиларнинг ташиб келинадиган нонга кўз тикишлари барҳам топди, — дейди новвойхона-дўкон раҳбари А. Абдурахмонов. — Агар қўшни қишлоқларнинг аҳолиси ҳам дўконимизга мижоз бўлиб келишса, марҳамат, эшигимиз харидорлар учун ҳамиша очиқ. Бундан ташқари бинода бўш жой ҳам бор, қўшимча ускуналарни ўрнатиш ва ишга тушириш эса унчалик қийин эмас. Бу соҳада анчагина тажриба ҳам орттирдик.

Р.ШОКИРОВ.

Суратларда: новвойхона ишчилари иссиқ нонларни пешма-пеш дўконга чиқармоқдалар; харидорлар нон сифатидан мамнунлар.

Даврон АҲМАД суратлари.

САВОБ ИШНИ КУНДА ҚИЛ

ЯРИМ йилдирки, Янгийўл шаҳар Бандлик хизмати ходимлари Республикамиз Президентининг «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини амалга оширишда маҳалла кўмиталарига яқиндан ёрдам бериб келмоқдалар.

Улар кўмак сўраб ариза ёзган оилаларнинг иқтисодий аҳволини ўрганиш ва улар рўйхатини тузишда маҳалла комиссиялари билан бирга иш олиб боряптилар. Давлат деҳқончилик саноат банкида шаҳардаги барча маҳаллаларнинг махсус ҳисоб рақамлари очилди. Уч ой муддат билан энг кам иш ҳақининг 1,5-3 баробарига тенг миқдорда ёрдам белгиланган кишилар ҳар ойнинг бошида рўйхат бўйича жамғарма банкидан пул олмоқдалар.

Шу йилнинг биринчи чорагида мавжуд 12 та маҳаллада яшайдиган муҳтож оилаларнинг турмуш шароитини яхшилаш ҳамда кам таъминланган кишиларга моддий ёрдам кўрсатиш учун 1 миллион 599 минг сўм маблағ ажратилган эди. Шундан маҳалла қўмиталари махсус ҳисоб рақамига 920 минг сўм ўтказилиб, 478,1 минг сўми ёрдам тариқасида камхарж кишиларга тўланди. Йилнинг иккинчи чорагида ҳам ана шу тарзда иш тутилмоқда.

— Кам таъминланган оилаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатаётган республикамиз Президентидан ғоят миннатдормиз, — дейди шаҳардаги Самарқанд кўчаси 274-уйда истиқомат қилаётган С. Абдурахмонова. — Улар, айниқса, бозор иқтисодиёти шароитларида камхарж бўлиб қолган оилаларга ёрдам қўлини чўзяптилар. Савоб ишни ҳар ким ва ҳар куни қилиши керак, деганларини жон қулоғимиз билан эшитганмиз. Ана шундай савобли ишдан менинг оилам ҳам баҳраманд бўляпти. Уч нафар норасида болаларим бўлгани сабабли ишлаш имкониятим йўқ. Уруш фахрийси бўлган 82 ёшли отамнинг пенсия пулига яшаётгандик. Худога шукр, ёрдам пулининг бироз бўлса-да, рўзғоримизга нафи тегяпти.

Биз бундай дил сўзларини Янгийўл шаҳрида кўплаб кишилардан эшитдик.

Р. ҚОДИРОВ.

УЧ МАҲАЛЛАГА СУВ КЕЛДИ

ОҲАНГАРОН тумани қишлоқларини ободонлаштириш, аҳолини ичимлик суви билан таъминлашга эътибор ортиб бормоқда.

Хусусан, шу йилнинг биринчи чорагида Собир Раҳимов номли жамоа хўжалигининг Якка арча, Сойоғзи, Янгиқишлоқ маҳаллаларига 12 километрлик масофадан қувир ётқизилиб, ичимлик суви келтирилди. Йўлларга асфальт ётқизилди. Гўшсой қишлоғида эса тиббий хизмат пункти очилди.

Қ. МУСУРМОНОВ,
меҳнат фахрийси.

ИШОНЧЛИ ҲАМКОР УЯЛТИРМАЙДИ

«Ангренсавдо» ҳиссадорлик жамияти шаҳар аҳолисини йил давомида дала ноз-неъматлари билан узлуксиз таъминлаш учун вилоят хўжаликлари билан маҳсулот етказиб бериш юзасидан ишончли шартномалар тузиб қўйди.

Ўтган йили бу ишга жиддий эътибор берилгани туфайли омборларда ҳали 250 тонна картошка, 220 тонна пиёз, 50 тонна сабзи, шунингдек, тузланган памидор, карам, қуруқ мева сақланиб турибди.

Улар янги ҳосил етилгунга қадар шаҳарликларга арзон нархларда сотилмоқда.

Н. ДУШАЕВ,
УЗА мухбири.

ЯНГИЙЎЛ туманидаги «Тинчлик» жамоа хўжалиги деҳқонлари вилоятда биринчилардан бўлиб ғўза қатор ораларига ишлов беришни бошлаб юборган эдилар. Бугунги кунда хўжалик пахта далаларида 19 та чопиқ трактори ишламоқда. Бу муҳим агротехник тадбир Ислом Икромов бошлиқ бригадада айниқса намунали ўтказилмоқда.

Суратларда: (ўнгда) бригада бошлиғи И. Икромов; ғўза ниҳолларига ишлов бериш пайти.

Р. ГАЛИЕВ олган суратлар

ВОҚЕАЛАР * ХАБАРЛАР * ЯНГИЛИКЛАР

БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ

ЭШИК ОЛДИДАГИ БИР ТУП ҚИЗИЛ ГУЛ

Қаҳрамонлар ҳақида ҳикоялар

Кунгай, баҳаво айвонда дам олиб ётган Ғулом ака туш кўрди. Тушида олис, оловли йилларда қўлида автомат, дарё бўйида, яшил ўрмон ёқасида йўқолган шерикларининг изларини излаб юрганмиш.

Ғулом ака тўлғониб уйғонди. Кўлини айвон четида турган қўлтиқтаёққа узатган эди. У шарақлаб ерга тушди. Невараси Азизжон «Бобожон, мен ҳозир олиб бераман» деб югуриб келиб, қўлтиқ таёқни узатиб, сўнг шўх кулиб, кўчага чиқиб кетди.

Ҳаво салқин, тоғ шабадаси эсиб турибди. Ғулом ака тўнини елкасига ташлаб, айвондан кўтарилиб, қўлтиқ таёқ билан ҳовлига тушди. Боғ ичи қор ёққандек оппоқ — ўрик, олма, нок, олича гулларига бурканган. Бир-икки қадам босиб, катта олма дарахти остига келди. Тепа шохдан ёқимли қуш овози эшитилди. Бошини кўтарган эди, дарахтларнинг майда гуллари капалаклардай пирпираб учиб, ўйноқлаб бошига, қўлтиқ таёғига, елкаларига қўнди, шабада қанотида гуллардан муаттар ис таралди. Кекса соҳиби хонадон гуллар ичида, баҳор қўйнида димоғи чоғ бўлганидан айланиб, сўнг эшик олдига бориб ўтирди.

Хаёли уруш йилларига кетди. Окопда, жангоҳларда ўтган дамларини эслади. Ёв замбаракларидан, бомба зарбаларидан ер зилзиладай титраб, снарядлар портлаган жойлардан тупроқ кўтарилиб, елкасига ёпирилган дамларни хотирига келтирди.

Киши кексайган чоғида гоҳида ёшлигини, кучга тўлган йилларини, элу юрт учун эсда қоладиган хизматларини эслайди. Ғулом ака босиб ўтган ҳаёт манзилларини кўз олдига келтириши ҳам шундай бўлди. Ота-онасини, улар тарбиясини, васиятларини хотирлади...

Шунда ўзи туғилиб ўсган Ёнариқ қишлоғини, Бўзсув тўқиқларида, жазирама ёз ойларида мазза қилиб чўмилганини, мева ғарқ пишганда эшак аравада Олой бозорига саватда мева, сабзавот элтиб, нон-тузга алмаштириб келганини эсларди. Ўсмирлик йиллари Бўзсув тўқиқларидай тез ўтиб кетиб, йигирма ёшга етиб қолганини билмай қолди.

1938 йил эди. Армия сафига чақирилиб, Украинадаги 65-отлиқ қисмга хизматга келди. Эшак аравада юрган шўх бир бўз йигит энди тулпорни жиловлади. Бир йилча вақт ўтди. Ғулом қисмнинг «Эски» тажрибали жангчисига айланди. 1939 йилда Украинага қўшилган ғарбий вилоятларда бўлди. Свастика тамғалари туширилган фашист танклари, тўплари, машиналари гоҳи-гоҳида чегара яқинида пайдо бўлиб қоларди. «Бир балоси бўлмаса шудгорда қўйруқ на қилур» деб Ғулом ўзини сергак тутарди. 1940 йил кузида у армиядан бўшаб уйига қайтди.

Ғулом уйига қайтиб ўқитувчи бўлишни орзу қилди. «Олам рўшнолиги илм билан» дея қурол тутган қўлларига китоб ва дафтар олиб ўқитувчилар институтига қатнай бошлади.

Фашистлар Германиясининг қўшинлари 1941 йилнинг 22 июнь тонг отарида қўққисдан хиёнаткорона бостириб кирди. Ғулом ҳарбий комиссариатга келди. Қисқа муддатли пулеметчилар курсига ўқишга юборилди. Ўқишни муваффақиятли тамомлаб, кичик лейтенант унвони билан фронтга жўнади.

1943 йил ноябрь ойининг дастлабки кунларида Днепр соҳилида Украина пойтахти Киев шаҳри учун шиддатли жанг бўлди. Станокли пулеметини Днепрнинг ўнг қирғоғига олиб чиқанида рўпарасида қора свастикали танклар, зирҳли машиналар паст-баланд тепаларда ғимирлаб, ўт очарди. «Сен ҳалиям тирикмисан!» деб Ғулом ўша душманнинг зирҳли машиналарини кузатиш туйнукларига мўлжаллаб ўт очди. Шу вақт тўпчиларимиз ҳам ёв устига ажал оташларини ёғдиришди. Душман техникаси тўхтаб қолди, кейин бирин-кетин ёна бошлади. Ғулом шериклари билан ёнаётган ёв машиналари ёнидан олдинга ўтиб кетди. Киевни озод қилишда қатнашди. Ҳужумни давом эттириш учун олдинга юрди. Белая Церков шаҳри яқинида қаттиқ жанг бошланди. Ғуломнинг йигитлари — пулеметчилари бир ротага яқин душман пиёда аскарларининг қаршилигини синдириб, уларни чекинишга мажбур қилди. Шу вақт пулеметчилар атрофида снарядлар портлай бошлади. Ғулом юзидан яраланди. Уни даволанишга олиб кетдилар. Ғулом даволаниб 42-гвардиячи дивизиянинг 132-полкига тушиб қолди. 1-батальонида пулемет взводи командири бўлиб, яна жангларга кириб кетди. Ихтиёрида учта станокли пулемет, йигирма жангчи.

Полк командири уруш қаҳрамони П. И. Шурухин, батальон командири майор В. М. Кушкаревлар кичик лейтенант Ғулом Каримовнинг пулемет взводи жангларда жон қуйдириб жанг қилаётганлигини, гоҳида душман тўдаларини таъқиб этишда намуна кўрсатиб, олдинга кетиб қолишидан мамнун бўлишарди. Шунинг учун бу взводни разведка жангларига юбориб туришни қўмондонлик маъқул кўрди. Ғулом разведкага фақат ўз взводи одамлари билан боришга рухсат беришни сўради. «Карпат тоғи, унинг Руминия томондаги пасттекисликларини разведка этишда ихчам, озчилик гуруҳ билан ҳаракат қилсак, ишимиз ўнгидан келади деб ўйлайман», — деди.

Взвод йўлга чиқди. Дивизия ҳам қўзғалди. Паст-баланд тепаликларни эҳтиётлик билан кузатиб, олдинга силжиб боришарди. Пашкани шаҳарчасига яқинлашишди. 1944 йил август ойининг сўнгги кунлари эди ўшанда. Далалар, ўрмонлар, сатҳий, тароватли. Табиат сўлим чиройини кўз-кўз этган пайт.

Руминиянинг Ясси шаҳри билан Молдавия пойтахти Кишинев ўртасида душманнинг катта кучи тўпланиб, бу ерларда қаттиқ жанглар бўлиши кутиларди. Душманнинг асосий эътиборини четга тортиб ва унинг бу ердаги қўшинларининг бўлиниб кетишини ва уларнинг яксон этилишини муваффақиятли ўтказиш учун Пашкани тепалиги операциясини бошлаш зарур деб топилди. Бу тепаликни штурм қилишда ва уни бизнинг қисмларимиз етиб келгунга қадар қўлда ушлаб туришда жасорат ва матонат кўрсатганлиги учун пулемет взводининг командири (энди рота командирлигига тайинланган эди) гвардиячи лейтенант Ғулом Каримов Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди. Шериклари ҳам жанговар орден ва медаллар билан тақдирландилар.

Ғулом ротаси ишғол қилган тепалик ортда қолди. Ҳужум давом эттирилиб, Молдова дарёси соҳилларига етиб келди. Полк ҳужумга тайёрланди. Дарёни кечиб ўтишдан аввал душман истеҳкомларини разведка қилиш учун Ғулом Каримов ротаси юборилди. Полк командири подполковник Шурухин Ғуломга деди: «Энди яна муҳим топшириқнинг бирини бажарасан. Молдова дарёсини кечиб ўтиб, душман «хонадони»ни аниқлайсан. Вазият талаб қилса, улар билан жанг бошлайсан, дивизиянинг олға силжиши сенинг ҳаракатингга боғлиқ».

Полк командири картани ёзиб, қайси жойларни текшириб чиқиш зарурлигини кўрсатди. Ғулом буйруқни бажариш учун йўлга рухсат сўради. Кушкарев Молдова дарёси ёқалаб, юқорига кўтарилишда, айниқса черковли қишлоқни кузатишда эҳтиёт бўлишни бир неча бор уқтирди.

Рота тонг қоронғусида Кушкарев тайинлаган черковли қишлоққа етиб келди. Йигитлар қишлоқ атрофидаги пана жойларга беркиниб, атрофни кузата бошладилар. Қишлоқ жимжит, ҳеч ким йўқдай, қишлоқ четидан бир неча гектарлик кенг жўхоризор бошланган. Усиқ поя-ларда думбул жўхори сўталари кўринади. Қани юртида бўлсаю, ўз қишлоғида бу ердагидан ҳам зўр ўсадиган думбул жўхори сўталарини кўрга кўмиб маза қилиб тўйиб еса, оғзи сув очиб кетди. Шу вақт жўхоризордан автоматнинг тириллаган овози эшитилди. «Хушёрлик керак. Бу ерда бир гап бор» деди Ғулом ва ротани 3 группага бўлиб черков ёнига жойлаштирди. Душман қишлоққа Ғулом жангчилари кириб келганини пайқаб, кучли ўт очиб қолди, лекин жўхоризордан чиқиб очиқчасига жанг қилишга юраги дов бермасди. Шу вақт ротани батальон деб чақиришга ва ҳужумга кўтаришга ахд қилди. Чунки энди кенг жўхоризорнинг ҳамма ёғидан ўқ овози эшитилди. «Уруғи кўпга ўхшайди. Шунга қараб иш қилиш керак бўлиб қолади» деди Ғулом. Учта пулемет уч томондан жўхоризорни титкилаб, ундаги гитлерчиларнинг «пўстагини қоқа бошлади». Шунда ёв томондан учига оқ латта боғлаган найза кўтарилди. Сўнг фашист гавдаси кўринди. 350 гитлерчи қишлоқ четига, черков ёнига тўпланишиб қуролларини ташлашди. Улар қаршисида 20 жангчимиз турарди.

Қишлоққа полкнинг асосий қисми тез етиб келди. Кушкарев Каримовни топшириқни муваффақиятли бажарганлиги билан табриклаб дивизия командирига хабар берди. Подполковник Шурухин «Жўхоризор операцияси ротанинг катта жасорати, бу энг юқори тақдирлашга сазовор иш, Каримов қаҳрамонона жанг қилди. Ҳа, у ҳақиқий қаҳрамон. Энди дивизия Руминия ерларини гитлерчилардан тозалашда кенг операция ишларини бемалол давом эттиради», деди.

Душман ўзини ўлим талвасасида кўрганда янада кучлироқ қаршилик кўрсатди, омон қолишга илож ахтариб, ҳар хил ҳийлага ўтди. Лейтенант Каримов взводи душманни таъқиб этиб, унинг орқа томонига ўтиб олди. Ёвнинг чекиниш йўлларини беркитиш ҳақида буйруқ олди. Рота Бухарест яқинидаги бир қишлоққа етиб келди. Қишлоқда қисқа ва шиддатли жанг бошланди. Гитлерчилар бу ерга жангчиларимиз етиб келганидан ваҳимага тушиб, кўч-кўронини кўтариб, янги жойга кўчишга ҳозирлик кўрди. Ғулом эса ўз ротаси билан бу босқинчилар тўдасини қўлдан чиқармасликка ҳаракат қилди. Пулеметлар қишлоқнинг уч томонига қўйилди. Кучли отишмалар бошланди.

Шу вақт батальоннинг қолган қисми етиб келиб, қишлоқ ва унинг атрофидаги экинзорларда шиддатли жанг қизиб кетади. Душман қолган ҳамма кучини бу ерга келтиргандай қаттиқ қаршилик кўрсатди. Ғулом станокли пелеметини дўнгликка олиб чиқиб, жойини ўзгартираётган гитлерчилар тўдасини ўққа тутди. Ўнга яқин фашист югурган жойида мукка тушди. Қочиб қолганларини йўқ қилиш учун пулеметни ёрдамчисига топшириб, ўзи автоматни қўлига олиб, жўхоризорлар оралаб олға югуриб кетди. Олишув ҳамма ерда борарди. Қочган йигирмага яқин гитлерчи қаёққадир қараб ўқ узарди. У ёқда Кушкарев одамлари. Ғулом автоматини тариллатди. Бир неча фашист ағдарилди. Қолгани ўзини бутазорлар ичига уриб, ғойиб бўлди. Ғулом ўша ёққа югурди. Шу вақт у ағдарилиб тушди. Дарахтга чиқиб олган фашист снайпери Ғуломнинг икки оёғини мўлжалга олган эди...

Батальон эса чекинаётган душман кучларини таъқиб этиб, олға ўтиб кетганди. Бу атрофда эса унинг таркоқ гуруҳлари изғиб юрарди. Уларни йўқотиш учун Ғулом ротаси одамлари қолдирилганди. Комбат Кушкарев лейтенант Каримовнинг кўринмай қолганлигидан хавотирланиб, унинг бу ерда қолган одамларига ҳамма ёқни ахтариб, дарагини топишини тайинлади-да ўзи жангга кириб кетди.

Уни қишлоқдан, эрталаб жанг бўлган жойлардан излашди. Топилмади. Жангчилар Ғуломни яраланган бўлса, санитарлар олиб кетишгандир, деб таскин топишиб, яширишиб ётган гитлерчиларни тутиш билан банд бўлдилар.

Ғулом ротасидаги сержант Отрошкин ўзини командирга жуда яқин олиб юрарди. Каримов ҳар қандай шароитда ҳам ўзининг қаердалигини билдирадиган зийрак командир эди. Унга нима бўлди? Отрошкин чакалакзор оралаб, анча ичкарилаб кетди. Бирдан кўзи ажриқ устидаги одам қорасига тушиб югурди. Нарида эса ерда Каримов ётибди. «Эҳ, командир нима бўлди?! Наҳот бизлар билмай қолсак». Отрошкин тиз чўкиб командирни осмонга қаратиб ётқизди. Кўкрагига қулоғини тутди. Жуда секин нафас оларди. Кўл-оёғини пайпаслаб кўрди. Командир оёғининг орқа томонидан, суягидан оғир яраланганди. Юк халтасидан дока чиқариб, ярани боғлаб, елкалаб олди. Каримов ҳамон ҳолсиз, ҳушсиз эди. Наҳот беш кундан буён ҳабар топмасак, деб Отрошкин ўзини ўзи қойирди. «Ҳалиям кеч эмас. Тузатиб оламиз, яна бирга жангга кирамиз, ғалаба кунини бирга нишонлаймиз», дея азиз меҳрибон командирини санбатга олиб кетди. Бу ерда биринчи муолажани кўрсатганларидан кейин Боку шаҳридаги госпиталга юбордилар. Бокуда қўлтиқ таёққа суяниб юрадиган Ғулом фашистлар Германияси таслим бўлганини, халқимиз буюк Ғалабани ғўлга киритганини, ҳукуматнинг 1945 йил 24 мартдаги қарорига биноан ўзига Қаҳрамон унвони берилганлигини эшитди. Урушдан ногирон ҳолда уйига — Ёнариқ далаларига қайтиб келди.

Мана, Ғулом ака невараси Азизжон югуриб келиб олиб берган қўлтиқ таёққа суяниб эшик олдида йўлга қараб турибди. Эшик олди гулзор, бир туп қизил гул чиройли очилган. «Шу қизил гулни кўпайтираман. Уни неварам улғайиб катта бўлганида, уйланганида никоҳ тўйига гулдаста қилиб олиб бораман», дейди уруш Қаҳрамони.

НАЗАРМАТ.

ФАХРИЙЛАР БОШ-ҚОШ

Янгиобод шаҳрида Ғалаба байрамини муносиб кутиб олиш учун қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Шаҳар фахрийлар кенгаши раиси Р. Ҳасанов бошчилигида К. Тимофеев, П. Аникин, И. Городний, Н. Кривицкий каби уруш ва меҳнат фахрийлари бу хайрли ишда фаол иштирок этмоқдалар.

— Байрамни кўтаринки руҳда, мазмунли ва эсда қоларли ўтиши учун шаҳримиздаги бир қатор корхона ва ташкилотлар бизга яқиндан ёрдам бермоқдалар, — деди шаҳар ҳокими муовини Валижон Иброҳимов. — Жумладан, 2-кон бошқармаси 70 минг сўм пул ўтказиб, байрамга муносиб улуш қўшдилар. Ҳар бир уруш қатнашчиси ва фронт ортида меҳнат қилганлар, ҳалок бўлган хизматчилар оилаларига 500 сўмлик совға-саломлар тарқатмоқчимиз.

А. РАИМОВ.

ҚАТОРТОЛДА УЧРАШУВ

ЗАНГИОТАдаги Қатортол қишлоқ фуқаролар йиғини ва туман босмахонаси ходимлари биргаликда Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан учрашув ташкил қилишди. Учрашувни туман фахрийлар кенгашининг раиси М.Аҳмедов очиб йиғилганларни яқинлашиб келаётган айём билан қутлади. Сўнг туман ҳокими Х.Нурматов сўзга чиқиб, самимий табриклаш билан бирга 23 нафар уруш қатнашчиларига «Ғабаланинг 50 йиллиги» медалини топширди.

Кўтаринки қайфиятда ўтган мазкур учрашув сўнгида туман босмахонаси директори Ш.Ғуломов фахрийларга совғасаломлар улашди.

А.ХОТАМОВ.

БЕМИННАТ ЁРДАМ

Ғарчи фашизм билан бўлган жангу-жадаллар тарих қаъридан ўрин олган бўлса-да, ҳамон уруш қолдирган «яралар» халқимиз қалбида, хотирасида вақти-вақти билан гавдаланиб туради.

Биз ҳурматли газетхонларга варақлари сарғая бошлаган архив ҳужжатлари асосида Ўзбекистон меҳнаткашлари, жумладан пойтахт вилояти аҳолисининг озод этилган туманларни тиклашга қўшган ҳиссаси, беминнат ёрдами ҳақида маълумот бермоқчимиз.

Уруш қизғин бораётган бир даврда вайрон бўлган объектларни тиклаш масаласи кун тартибига қўйилди. Ушбу умумхалқ ҳаракатида Ўзбекистон меҳнаткашлари олдинги сафда бўлдилар. Бу борада вилоятимиз аҳолисининг алоҳида ўрни бор десак муболаға бўлмайди. Вилоятимизда юқоридаги мақсадлар учун ҳамда ўша ерлардаги аҳоли учун иссиқ кийимлар, хўжалик буюмлари, уй ҳайвонлари, қишлоқ хўжалик экинлари учун уруғликлар йиғиш каби ишлар олиб борилди.

1943 йилнинг баҳорида вилоят меҳнаткашлари Украинага, Кубанга ва Ставрополь ўлкасига 340 трактор, 270 плуг /сўқа/, 106 трактор сеялкаси, 3 автомашина, 16 комбайн, 2 вагон қуруқмева, бир вагон дон, бир вагон саноат моллари, бир вагон турли хилдаги хўжалик буюмлари ва бир вагон уй ҳайвонларини совға этдилар.

Бундан вилоятимиздаги ҳамманинг қорни тўқ, усти бут, барча анжомлар тўлиб тошиб ётган экан деган маъно келиб чиқмайди, албатта. Бу ўша озод этилган минтақалардаги аҳолининг дарди бизнинг ҳам дардимиз деб тушунилганлиги, дўстона ёрдам кўрсатиш мақсадидаги жонкуярлик ифодасидир.

Уруш йилларида-айниқса унинг бошланғич даврларида жуда катта масофадаги /65 минг км/ темир йўллар ва уларнинг шох бекатлари душман томонидан вайронага айлантирилганди. Мамлакатнинг ғарбий минтақаларидаги ана шу вайрон бўлган темир йўлларни тезроқ тиклаш ва уни ҳаракатга келтириш лозим эди. Шу йўналишга Тошкент юк бекати жамоасининг ташаббуси билан эҳтиёт қисмлар, асбоб ускуналар йиғиш ишлари бошланди. Вайрон бўлган бекатлардан бирини барча керакли анжомлар билан таъминлаш тадбири ишлаб чиқилдики, бу тадбирга кўра жуда қисқа муддат ичида кўтарма мосламаларнинг 35 йиғмаси, 350 дан ортиқ чилангарлик асбоблари, 2000 га яқин эҳтиёт қисмлар тўпланди. Темир йўлнинг Тошкент бўлимига қарашли ходимлар Сталинград темир йўлчиларига 450 дона паровозларнинг эҳтиёт қисмларини, бир вагон қўйма чўян, насос юбордилар.

Сталинград темир йўли раҳбарларидан 1943 йилнинг март ойида олинган телеграммада шундай жумлаларни ўқиймиз: «Сизлар Сталинградга юборган 23 вагон асбоб-ускуналар ва эҳтиёт қисмлар темир йўл узелини тезроқ қайта тиклаш ишида муҳим ёрдамдир». Ана шу миннатдорчилик хабаридан сўнг Тошкент темир йўл хизматчилари ўзларининг бор имкониятларини ишга солиб 1943 йил 30 мартда яна бир эшелон асбоб-ускуналар ва эҳтиёт қисмлар жўнатдилар. Эшелон таркибида Тошкент депоси ишчиларининг иш вақтидан ташқари пайтда таъмирланган икки паровоз ҳам бор эди.

Вилоятимиздаги бир қатор йирик корхоналар душман исканжасидан озод этилган худудларда иш-жамоалари 12 мингдан ортиқ малакали мутахассисларни, юқори ихтисосли темир йўлчиларни сафарбар этиб керакли худудларга юборди.

Вилоятимизнинг Қибрай тумани меҳнаткашлари озод этилган шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларига биргина 1943 йил сентябрь ойининг ўзида 10та қорамол, 100та тери, 50 кило мой, 2 тонна олма қоқи, 800 кило қовун қоқи, талайгина иссиқ кийимларни ҳадя этдилар. Шу туманнинг Дўрмон қишлоқ кенгашидаги «Қизил Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг аъзолари Харьковликларга бир хўкиз, 10 дона тери, 10 кило мой, 200 кило қуруқ мева, 100 кило қовун қоқи, 5 дона пахталик шим, 5 жуфт пойафзал каби нарсаларни йиғиб жўнатдилар.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин, лекин ана шу далилларнинг ўзиёқ озод этилган шаҳарлар, туманлар ва қишлоқларни тиклаш ишларида халқимиз кўрсатган беминнат ёрдам ҳақида тасаввур беради, деб ўйлаймиз.

Х. ТУРДИЕВ.
Тошкент вилоят ҳокимлиги Архив бўлими мудири.
А. АБДУҚОДИРОВ.
вилоят ҳокимлиги архивининг мудири.

Тадбиркорлик — иқтисодиёт келажаги

ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ...

ЯНГИЙЎЛДА доврўғи довон ошган кўплаб корхоналар фаолият кўрсатади. Уларда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва турининг йилдан-йилга ошиб бораётганлиги, тадбиркорлар сафига янги-янги кучлар қўшилаётганлиги, шаҳар қиёфаси муҳташам қурилиш ва кошоналар билан замонавий чирой касб этаётганлиги қувончлидир.

Бунда замон талабларидан келиб чиқиб, иш тутаётган ишбилармон ва тадбиркорларнинг, улар барпо этган кичик ва қўшма корхоналар, фирмаларнинг хизмати салмоқлидир. Чунки, ҳақиқий тадбиркорликнинг қулочи кенг, дасти узун, фаолияти ҳар томонлама самарали бўлишини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлиснинг биринчи сессиясидаги маърузасида «Иқтисодий ислоҳотларнинг бугунги босқичида энг муҳим ва долзарб вазифа — мулкий муносабатларни тубдан ўзгартирмоқдир» — деб алоҳида таъкидлаб ўтгани бежиз эмас. Зеро, бу йўл — бозор иқтисодиётининг ҳозирги айрим муаммоларини ҳал қилиб, халқ истеъмоли молларига бўлган талаб ва эҳтиёжни тўлароқ қондиришга, пировард натижада давлатимизнинг бойишига, элу-юрт фаровонлиги ортишига ёрдам беради. Ҳақиқатан ҳам мулкни ҳаққий эгалари қўлига бермасдан туриб, иқтисодий ислоҳотларнинг навбатдаги босқичида ва истиқболда кўзда тутилган натижаларга эришиб бўлмайди.

Янгийўлда давр билан баҳамти қадам ташлаётган ишбилармон ва тадбиркорлар сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Биз шундай кишиларнинг айримлари билан мулоқотда бўлиб, уларнинг бугунги фаолияти билан танишдик. Айни вақтда Янгийўл тадбиркорлар шаҳри сифатида ҳам доврўғи ошаётганлигига гувоҳ бўлдик.

Шаҳардаги «Меҳнат» хусусий фирмасининг раҳбари Худойберган Раҳимов — ғайратли, шижоаткор, айни чоғда, ташкилотчилик иқтидорига эга инсон. У бундан икки йил олдин кооператив мақомига эга «Меҳнат» жамоасига раҳбар эди. Ҳозирда кооператив фирмага айлантирилди. Хўш, мазкур фирманинг фаолияти хусусида нима дейиш мумкин? У бозор иқтисодиётининг бугунги талабларига, замон руҳига, мустақил юртимиз халқларининг фаравонлигини оширишга, кундалик озиқ-овқат, саноат ва эҳтиёжимизга зарур бошқа молларни кўпайтиришга қўшаётган улуши қай даражада? Биз дастлаб шундай саволлар билан фирма президентини гурунг-суҳбатга чорладик.

— Минг марта эшитгандан кўра, бир марта кўрган афзал, деганларидек, яхшиси, келинг, фирмамиз дўконларини бирга айланамиз, — деди Худойберган Раҳимов самимий илтифот кўрсатиб. — Ҳозирча шаҳар марказида 3 та тижорат дўконимиз бор. Биз маҳсулотларнинг асосий қисмини Украина, Россия, Туркманистон, Қозоғистон ва МДҲнинг бошқа мамлакатларидан келтирамиз. Можористон, Польша, Чехия фирмалари билан ҳам алоқа ўрнатганмиз. Умуман, 15-20 фоизга яқин маҳсулотни шунга ўхшаш чет давлатлардан олиб келамиз. Маҳсулотларимиз нисбатан арзон, харидорларнинг талаб ва истакларига жавоб беради. Хуллас, элимиз дастурхонини тўкин-сочин қилишга баҳоли-қудрат ҳисса қўшишга ҳаракат қилаяпмиз...

Шуни фахр ва шукронолик билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон замини турфа-туман нозу-неъматларга бой. Бу заминда йилнинг тўрт фаслида ҳам элга пишиқчилик дастурхони ёзилади. Сабзавот, полиз маҳсулотлари, узум, майиз ва қуритилган мева — бильаакс, республикамизда ҳамма-ҳаммасидан бор. «Меҳнат» фирмаси жамоаси четдан маҳсулотларнинг барча турини айирбошлаш йўли билан келтириб, дўкон пештахталарини тўлдирмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида хайрли ишларни амалга ошириш, айримлар ўйлаганчалик, осон иш эмас, албатта. Тадбиркорлик, савдо ва иқтисодиётдан бохабарлик, ҳисоб-китоб ва энг муҳими, ишбилармонликда замонага хос салоҳият керак. Фирма раҳбари Худойберган Раҳимовда шундай фазилатлар мужассам, десак асло янглишмаймиз. Фикримизнинг исботи учун унинг фаолиятидан айрим мисолларнигина келтириш мумкин.

Тадбиркор 1989 йили республикамизда «ҳали очилмаган кўрик» — деярли янгилик ҳисобланган хайрли ишга қўл урди. У биринчилардан бўлиб кўзиқорин етиштиришни йўлга қўйди. Ҳозир 1300 квадрат метр ертўлада ана шу неъмат етиштирилмоқда. Биз фирманинг шаҳар шоҳ кўчасидаги шинам ва маҳобатли «Хоразм» тижорат дўконида тузланган кўзиқорин сотувга қўйилганлигини ва у харидорлар томонидан энг севимли маҳсулот сифатида харид қилинаётганлигини кўриб, харидорни пештахта ёнида суҳбатга тортдик.

— Фирма дўкони ҳақида фикрингиз? — сўраймиз биринчи кўрган харидордан.

— Мана, қаранг — дўкон пештахтаси маҳсулотларга тўла. Озиқ-овқат ёки саноат моллари дейсизми — ҳаммасидан бор. Хўжалик молларини ҳам харид қилиш мумкин. Маҳсулотлар бошқа ердагига қараганда анча арзон. Илойим, юртбошимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, элим деб, юртим деб ёниб яшовчи тадбиркорларимиз омон бўлсин! «Меҳнат» фирмаси жамоаси ва унинг президенти Худойберган Раҳимовнинг хайрли ишларидан миннатдормиз...

Юртимизнинг беназир айёми — Наврўз куни тантанали суратда очилган фирманинг «Хоразм» тижорат-дўконида бугун файзиёб манзара. Маҳсулотлар хил-хил. Бу ердан харидорларнинг қадами бир зум ҳам узилмайди. Дўконнинг очилиш маросими ғоят кўнгилли ва тантанавор ўтди. Вилоятдан, туман ва шаҳардан нуфузли меҳмонлар келишди. Шу куни «Хоразм» тижорат-дўкони ва унинг биринчи қаватида яқинда фойдаланишга топширишга режалаштирилаётган «Хоразм» ресторанига оқ фотиҳа берилди. Бугунги кунда фирманинг «Нозима» ва «Ёшлик» тижорат дўконлари ҳам аҳолига шундай намунали хизмат кўрсатаяпти.

Шуни айтиш керакки, фирма жамоасида 20 нафар киши ишлайди. Унинг ярмидан кўпини Раҳимовлар оиласининг аъзолари ташкил этади. Чунончи, Худойберган аканинг иккинчи фарзанди Шуҳрат Раҳимов отасининг энг ишончли ёрдамчиси, келини Нигорахон — фирмада бош ҳисобчи, ўғли Фарҳоджон — кўзиқорин етиштириш билан шуғулланади, қизлари — Саодат, Санобар, Гулноралар — сотувчи. Фирма раҳбарининг яна бир ўғли Руслан, жиянлари Ҳамид ва Полвон Собуровлар ҳам шу ерда ишлашаяпти. Келин-куёв Азизахон билан Улуғбек ҳам аслида Раҳимовлар ҳанадонига бегона эмас, яқин...

Худойберган ака Раҳимов 8 нафар фарзанднинг отаси. Умр йўлдоши Шаҳодатхон гарчи уй бекаси бўлса-да, фирма ишларига доимо кўмакдош. Раҳимовлар хонадони аъзоларининг нияти битта ва эзгу: «Элга хизмат — олий ҳиммат...»

Дарвоқе, «Хоразм» номи билан аталувчи ресторан ва дўкон ўрни бундан бир йил олдин деярли ташландиқ жойлар эди. Энди қарабсизки, бу масканда файз бор, барака бор. Ҳадемай, ресторан ишга тушса — бу ер янада гавжумлашиб, тароватли ва файзиёблиги ортади. Фирма жамоаси эзгу ниятлар билан тадбиркорона меҳнат қиляпти.

Энди фирма жамоасининг келгуси режалари ҳақида мухтасаргина фикр юритиш мавриди келди. Улар ниятимиз йўлдош бўлса, ҳали кўп хайрли ва савоб ишларга йўл очмоқчимиз, дейишмоқда. Айтганча, фирма тасарруфида 1,5 гектар ер бор. Ер — ҳазина, хазинанинг калити эса меҳнатда. Ахир фирманинг номи бежиз «Меҳнат» эмас!

Уларнинг галдаги вазифаларидан бири маркетинг дўконини очиш, айниқса, кўзиқоринни кўпайтириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни кенг йўлга қўйиш. Бу эзгу ниятлар йўлида уларга фақат омадлар тилаймиз!

А. ТУРДИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» жамоатчи мухбири.

Суратларда: (юқорида чапдан) «Меҳнат» фирмаси раҳбари Худойберган Раҳимов ўғли Шуҳратжон билан келгусидаги режалар хусусида маслаҳатлашмоқда; «Меҳнат» фирмаси бош ҳисобчиси Нигора Раҳимова харидорларга маҳсулотлар хусусида маслаҳат бермоқда; Сотувчи Музаффар Бозорбоевнинг хизматидан аҳоли ҳамиша мамнун.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

«БОЙҚОЗОН»ДА ЯНА БИР ЦЕХ

БУНДАН чамаси ўн беш йиллар олдин паркентлик бир отахондан кичик ҳикоят эшитганман. Эмишки, бу туманда ҳар бир хонадон оилада ўғил туғилиши билан қирқ туп терак экиб қўйиши шарт экан. Бола ўн саккиз ёшга етганда улар йўғон тортиб, иморатбоп бўлиб қоларкан. Ўшанда ота шамолда шовуллаб турган теракзорга ишора қилиб, «булар еттинчи ўғлимнинг уйига аталган, жуда текис, бақувват бўлди» деганлари кечагидек ёдимда.

Бугун Паркент туманида бундай теракзорлар кўпайган. Биргина «Бойқозон» халқ корпорациясида шу баҳорнинг ўзида 7 минг туп кўчат экилди.

— Ота-боболаримизнинг сиз эшитган удумлари ҳам сақланиб қолган, — дейди корпорация президенти Т. Холтоев, — оилалар томорқаларида етилган теракларни кесмоқдалар. Биз уларни иморатбоп қилиб бериш учун цех ташкил этдик. Ш. Қурбоналиев бошчилик қилаётган бу цех аррачилари Т. Назирбоев ҳамда А. Абдусаматовлар кунига 40 куб метр ёғочни қайта ишлаб, хонадон эгаларига тахта, тўсинбоп қилиб бермоқдалар.

С. ҲАСАНОВ.

АЙНИ кунларда бултур кузда экилган буғдойзорларга ишлов бериш қизғин давом этмоқда. Янгийўл туманидаги Ў.Болғабоев номли жамоа хўжалигининг Т.Ортиғалиев бошлиқ бригадасида 60 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил олиш учун ҳаракат қилинмоқда.

СУРАТДА: бригада ғаллазорларида.

Р. ҒАЛИЕВ олган сурат.

Зиёкорлар ҳақида ҳикоялар

УМР ЙЎЛИ

ҲАЁТИНИНГ ярим асрдан кўпроғини ёш авлодга билим ва тарбия бериш, республикамизда халқ таълимини ривожлантиришга бағишлаган заҳматкаш муаллим Иброҳим Мўминов яқинда таваллуд топганининг 75 йиллигини нишонлади. Бу довонгача у киши босиб ўтган йўл сермазмун воқеаларга бойлиги билан эътиборга лойиқдир. Тошкент ўқитувчилар институтини битирган ёш мутахассис 1951 йилнинг ўзидаёқ Бекобод шаҳар халқ маорифи бўлимига мудир этиб тайинланди. Бошқа соҳалар каби ўша пайтда мактаблар аҳволи ҳам ночор эди.

Мудир биринчи навбатда ўқув даргоҳлари моддий базасини мустаҳкамлашга эътиборини қаратди. Айни пайтда малакали ўқитувчи кадрлар тайёрлашни ўта муҳим деб билди. Шу мақсадда Тошкентдаги олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик ўрнатди. Турли фанлар бўйича йирик мутахассислар тез-тез шаҳар мактабларига ташриф буюриб, дарсларни таҳлил қилишда иштирок этишар, ёшларга ўз тажрибаларини ўргатишга интилишар эди.

— Пойтахт шаҳридан келган адабиёт, тарих, математика, физика домлалари ўз вазифаларига масъулият билан ёндашишарди,— дейди И. Мўминов, — улар туфайли мактаблардаги машғулотлар савияси ошибгина қолмай, ўқув даргоҳларининг қиёфаси ҳам ўзгариб борди. Янги бинолар қад кўтарди.

Шаҳарда политехник таълимни кенг жорий этиш ишлари, айниқса, яхши йўлга қўйилган эди. Ўзбекистон Республикаси Халқ маорифи вазирлиги ҳайъати 1957 йилда бекободлик маърифатчиларнинг ана шу тажрибасини оммалаштириш тўғрисида махсус қарор қабул қилди. Орадан уч йил ўтгач, И. Мўминов раҳбарлигидаги бўлимнинг бир неча ходимлари, қатор ўқитувчилари хизмати юксак тақдирланди. Иброҳим Мўминов эса орденга сазовор бўлди.

Ўз соҳасини пухта эгаллаган моҳир маорифчи, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи И. Мўминов шу орада Тошкент вилоят халқ таълими бўлими мудири этиб тайинланди. Кейин республика халқ таълими вазири муовини бўлди.

И. Мўминовни пенсияга кузатишаётганида ҳамкасблари, барча маорифчилар фидойи инсоннинг яхши ҳислатларини яна бир бор таъкидладилар.

Ҳозир И. Мўминов республика халқ таълими вазирлигида ташкил этилган фахрийлар кенгашини бошқармоқда. Кенгаш аъзолари «Ўқитувчилар уйи» ходимлари билан биргаликда турли тадбирлар ўтказиб, ёш муаллимларга тажрибаларини ўргатиб келмоқдалар.

С. САЛИМОВ.

Мутахассис билан мусоҳаба

ДАРОМАД ВА СОЛИҚ: У ҚАНДАЙ ҲИСОБЛАНАДИ?

Маълумки, 1995 йилнинг 1 январидан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари ва уларни қўллаш тартибига амалдаги қонунчиликка мувофиқ баъзи ўзгартишлар киритилди.

Фуқаролар ва корхона-ташкилотларнинг ҳисобчиларидан келаётган кўп сонли илтимос ва саволларга аниқлик киритиш мақсадида биз Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг муовини Ш. Ўринбоевдан ушбу ўзгартиришларни шарҳлаб беришни илтимос қилдик.

— Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги қонунга ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 13 декабрдаги қарори ва республикамиз Президентининг 1995 йил 24 февралдаги Фармонига мувофиқ фуқаролар даромадидан олинадиган солиқ ставкалари ва тартибида ўзгартиришлар юз берди. Бу ўзгартиришлар бўйича шу йил 10 мартда Молия вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитасининг қўлланма хати чиққан ва корхона-ташкилотларнинг ҳисобчилари ундан фойдаланишлари мумкин. Ушбу янги солиқ тартибини тайёрлашда фуқароларнинг турли тоифалари даромадини солиққа тортиш билан боғлиқ ўзига хос жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди. Масалан, муаллифлик ҳақи олувчи, қишлоқ хўжалигида ишловчи фуқароларни олайлик. Уларнинг даромади барча ойларга тенг миқдорда бўлинган эмас, улар бир-икки, ҳатто етти-саккиз ойда бир марта, бироқ, катта миқдорда даромад олишади. Шу ўринда уларга ойлик солиқ ставкалари қўлланилса, бу даромаднинг катта қисми солиқ сифатида олиб қўйилади. Даромад солиғининг ҳозирги тартибига кўра эса фуқаролардан ҳар ойда, бироқ, йил бошидан буён олган даромадларини жамлаб ва ундан ўтган ойларда тўланган солиқлар ҳамда солиқ солинмайдиган минимумлар йиғиндисини айириб ташлаган ҳолда солиқ ундирилади.

— Шермуҳаммад Ўринбоевич, ушбу ўзгартиришлар фуқароларимизга янада тушунарлироқ бўлиши учун аниқ мисоллар ва рақамлар билан шарҳлаб ўтсангиз.

— Масалан, сизнинг январь-апрель ойлари мобайнидаги тўрт ойлик даромадларингиз 600+650+850+900=3000 сўм. Бу 3000 сўм даромадингиздан апрель ойида олинадиган солиқни ҳозир ҳисоблаб чиқамиз. Даромад солиғи ставкалари апрель ойида қуйидагича бўлади.

Йил бошидан жамлаб солиқ солинадиган даромад миқдори (солиқ солинмайдиган минимумлар йил бошидан жамлаб чегириб ташланади — 800 сўм)	солиқ миқдори
(2x500=1000) сўмгача	даромад миқдорининг 15 фоизи
1001 сўмдан (5x500)=2500 сўмгача	150+1000 сўмдан ошадиган даромаднинг 25 фоизи
2501 сўмдан (10x500)=5000 сўмгача	525+2500 сўмдан ошадиган даромаднинг 35 фоизи
5001 сўм ва ундан юқори	1400+5000 сўмдан ошадиган даромаднинг 40 фоизи

Бу жадвални соддароқ қилиб тушунтирадиган бўлсак, биринчи навбатда:

А) Солиққа тортилмайдиган минимумни ҳисоблаймиз: 100+100+300+300=800 сўм;

Б) Ўтган ойлардаги энг кам иш ҳақи йиғиндисини топамиз: 100+100+150+150=500 сўм;

В) Ўтган ойларда ушланган солиқлар йиғиндисини аниқлаймиз: 105+122,5+102,5=330 сўм.

Энди тўрт ойлик даромадингиз 3000 сўмдан тўрт ойлик солиққа тортилмайдиган минимум 800 сўмни айирамиз, 2200 сўм қолади. Мана шу 2200 сўмдан даромад солиғи ҳисобланади. Бу қай тартибда бўлади? Энг кам иш ҳақининг икки баробари (500x2=1000) миқдоридаги даромадингиздан 15 фоизлик ставка бўйича солиқ ундирилади. Бу 1000 сўмдан 150 сўм дегани. Демак, 2200 сўмнинг 1000 сўмидан 150 сўм солиқ олинади. қолган 1200 сўмдан эса 25 фоизлик ставка бўйича солиқ ундирилади. Бу 300 сўм дегани. Жами солиқ 150+300=450 сўмни ташкил этди. Яъни, тўрт ой мобайнида олган маошингиз жами 3000 сўм бўлган тақдирда олинаётган солиқ 450 сўмни ёки даромадингизнинг 15 фоизини ташкил этяпти, холос. Энди 450 сўмдан ўтган ойларда ушлаб қолинган солиқлар йиғиндиси 330 сўмни айирамиз. Демак, апрель ойида сиздан ундириладиган даромад солиғи 120 сўмни ташкил этади.

Эслатиб ўтаман, ҳисобчилар маълум бир ой учун даромад солиғи ҳисоблаётганларида энг кам иш ҳақини, солиқ солинмайдиган минимумни ва илгари тўланган солиқларни йил бошидан бошлаб жамлаган ҳолда қўллашга алоҳида эътибор беришлари зарур.

Кейинги ойларда ҳам жисмоний шахслардан даромад солиғи шу тартибда ундирилади. Қуйида илова қилинаётган даромад солиғи ставкалари бунда сизга қўлланма вазифасини ўтайди:

Солиқ солиш жараёнида солиқ солинмайдиган минимум ва энг кам ойлик иш ҳақи миқдорлари йил бошидан жамланиб, ўсиб борувчи якун бўйича ҳисобга олинади (йил бошидан буён ўтган ойлардаги солиққа тортилмайдиган минимумлар йиғиндиси, ўтган ойлардаги энг кам ойлик иш ҳақи миқдорлари йиғиндиси).

Йил бошидан жамлаб солиқ солинадиган даромад миқдори (солиқ солинмайдиган минимумлар йил бошидан жамлаб чегириб ташланади)*	Солиқ миқдори
Энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 2 баробаригача*	Даромад миқдорининг 15 фоизи
Энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 2 баробаридан (+1сўм) 5 баробаригача	Энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 2 баробаридан олинадиган солиқ+2 баробаридан 5 баробаригача бўлган даромад миқдорининг 25 фоизи
Энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 5 баробаридан (+1 сўм) 10 баробаригача	Энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 5 баробаридан олинадиган солиқ+5 баробаридан 10 баробаргача бўлган даромад миқдорининг 35 фоизи
Энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 10 баробаридан (+1сўм) юқори	Энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 10 баробаридан олинадиган солиқ+10 баробардан юқори даромад миқдорининг 40 фоизи

— Суҳбатимиз охирида яна бир масалага аниқлик киритиб ўтсангиз. Кейинги пайтларда сигирга ҳам, ҳовлидаги дарахтга ҳам солиқ тўлаш керак экан, деган миш-мишлар тарқалди. Шу тўғрими?

— Нотўғри. Бунақа солиқ йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Менимча, бу ерда суғурта тўғрисида гап кетяпти. Суғурта тўловларини солиқ тўловлари билан чалкаштирмаслик зарур.

— Суҳбатингиз учун ташаккур.

(ЎзА).

АНГРЕНДА КИМОШДИ САВДОСИ

Ангренда навбатдаги кимошди савдоси ўтказилди. Савдога якка тартибда уй-жой қуриш ва ёрдамчи хўжалик ташкил этиш учун Ангрен шаҳридаги Гўшсой қўрғонидан ажратилган тўқизта, Янгиобод шаҳридаги С.Раҳимов кўчасидан ажратилган олтита ер майдони қўйилди. Гўшсой қўрғонидаги бошланғич нархи 51 минг 800 сўм бўлган бешта ер майдони 61,5 минг сўмга сотилди.

Н.ДУШАЕВ,
ЎзА мухбири.

TV ! ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 1

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.15 «Ислоҳот одимлари».
18.40 «Ёшлик» студияси. «Онамнинг ўгитлари».
19.15 «Футбол шарҳи».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Баҳор гулдастаси». М. Турғунбоева номидаги «Баҳор» Давлат рақс ансамблининг концерти.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Япония ҳақида ҳикоялар. «Мўъжизалар шу ерда туғилади».
22.00 «Ҳужжатли ахмоқ». Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек драма театрининг спектакли. Телепремьера.
00.20 — 00.45 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
19.00 «Тафсилот».
19.15 «Саломатлик — туман бойлик».
19.45 «Само остидаги юлдузлар».
20.15 — 21.35 «Бефайз якшанба». Бадиий фильм.

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультқарусель».
*
18.55 «Бозор иқтисоди сабоқлари».

«ОМАД» таништиради:
19.25 «Совға».
19.55 «4/8». Мусиқий кўрсатув.
20.15 «Панорама».
20.45 Жаҳон географияси.
21.35 «Эй-Би-Си» янгиликлари.
21.55 Эълонлар.
22.00 Видео — «О».
23.40 Эълонлар.
23.45 «Курьер».
00.05 «...яна об-ҳаво ҳақида».
00.15 — 00.25 «Постфактум».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
18.00 «КВН-95».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.45 Анжела Лансбери ва Умар Шарифлар «Миссис Айрис Парижга йўл олади» лирик комедиясида (Англия, 1992 й.).
22.20 — 23.20 «Алла Пугачева. Турли даврлар қўшиқлари».

СЕШАНБА, 2

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. «Ўзбектелефильм» студияси фильмларининг телефестивали.
9.15 «Ёшлик» студияси. «Яхшиларга эргашиб».
9.40 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. Эмин Усмон. «Сукунат».
10.00 Немис тили.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Ботаника.
11.00 «Кафолат».
11.30 — 13.30 «Умидлар йили». Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Кичкинтой» студияси. «Кўғирчоқлар — менинг дўстларим».
18.40 «Навоийхонлик». Адабий кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-шоу».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Бевосита мулоқот.
22.15 Юлдуз Абдуллаева куйлайди.
22.45 «Қизил олма». Бадиий фильм.
00.05 — 00.30 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
18.30 «Мультфейерверк».
18.55 «Табиат дунёси».
19.45 Янгиликлар.
19.50 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.10 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
20.35 Видеогид.
20.55 «Теле-ателье-шоу».
21.05 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.45 — 23.25 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Дурдаршн» телекомпанияси янгиликлари.
19.15 «Дурдаршн» телекомпанияси-нинг кўрсатувлари.
20.15 «Уммондан томчи».
20.50 «Чинсэн».
21.30 «Мусиқий саёҳат». Франция.
22.00 «Спорт-тайм».
22.30 — 22.40 «Би-Би-Си» янгиликлари.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.00 — 8.00 «Телетонг».
***
18.05 Луи де Фюнес «Жандарм Нью-Йоркда» кинокомедиясида (Франция — Италия, 1966 й.).
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.45 — 22.05 «Бу дунё зўравонлари». Морис Дрюоннинг романи асосида телесериал. 1-серия (Франция).

ЧОРШАНБА, 3

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 «Ўзбектелефильм» студияси фильмларининг телефестивали.
9.05 Алифбо сабоқлари.
9.35 «Ёшлик» студияси. «Оқар дарёлар».
10.15 Тошкент вилояти, Оққўрғон район Маданият уйи қошидаги «Наврўзи ажам» халқ ансамблининг концерти.
10.40 «Компьютер-шоу» (такрор.).
11.15 — 13.15 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
18.35 «Мардлик — мангулик!» телетанловига. Баҳодир Собит. «Битмас жароҳат».
19.15 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ашула ва рақс ансамблининг концерти.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Кеча ва бугун».
22.00 «Ефрейтор Збруевнинг етти қайлиғи». Бадиий фильм.
23.35 — 24.00 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун фильм. «Доктор Айболит».
19.30 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. «Ёдингдами, дўстим...».
19.45 «Тошкент оқшомида».
20.45 «02» тўлқинида.
21.10 — 22.50 «Кинематограф».

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
* *
18.40 «Мультқарусель».
18.55 — 21.55 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
5.00 — 8.00 «Телетонг».
***
17.55 «Тиғиз пайт».
18.15 «Аляска Кид». Телесериал. 7-серия — «Рулетка қироли».
19.05 «Қўшиқ-95».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 «Енгилмаслар».
20.00 «Время».
20.40 «Енгилмаслар».
20.45 — 22.10 «Бу дунё зўравонлари». Телесериал. 2-серия.

ПАЙШАНБА, 4

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 «Ўзбектелефильм» студияси фильмларининг телефестивали.
9.05 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. «Фахрийлар — фахримиз».
9.45 Мактаб ўқувчилари учун. «Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб».
10.30 Ўқув кўрсатуви. Математика.
11.00 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. «Қуролу қалам билан». Тўғон Эрназаров.
11.40 «Бола бошидан...»
12.20 — 13.00 Ўзбек куйларидан концерт.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.20 «Ишбилармон».
18.50 «Ўзбекистон — ғалаба яловбардори».
19.10 «Осойишталик посбонлари». Республика Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади...
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. Баҳодир Абдуллаев. «Тақдир». Теленовелла.
20.20 «Юзма-юз».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Ишонч». Видеофильм.
22.00 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессияси олдидан.
22.30 «Тинчлик истар одамлар». Мусиқий кўрсатув.
23.10 — 23.35 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
18.30 «Омад» тақвими.
18.35 «Кўнгил».
18.40 «Жозиба».
19.00 «Бир шингил ҳангома».
19.10 «Ишингиз бароридан келсин!»
19.20 «Муҳаббатга ошно қалблар».
19.40 «Теле-ателье-шоу».
19.50 Видео янгиликлари.
20.15 Янгиликлар.
20.20 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.05 «Кинонигоҳ».
22.45 — 23.05 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»)

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Кашф этилаётган имкониятлар».
19.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.15 «Шалом!».
20.30 «Умид» (уйғур тилида).
21.10 — 22.10 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
5.00 — 8.00 «Телетонг».
***
17.55 «Тиғиз пайт».
18.15 «Аляска Кид» Телесериал. 8-серия — «Ёлланган қотиллар».
19.05 «Эслашлари учун...». А. Глазирин. Л. Филатовнинг муаллифлик кўрсатуви.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 «Енгилмаслар».
20.00 «Время».
20.40 «Москва, Кремль».
21.00 «Енгилмаслар».
21.05 — 22.30 «Бу дунё зўравонлари». Телесериал. 3-серия.

ЖУМА,5

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 «Ўзбектелефильм» студияси фильмларининг телефестивали.
9.10 Немис тили.
9.40 «Сизга таъзим».
10.10 «Таълим ва ислоҳот».
10.40 «Болалар меҳмонхонаси».
11.10 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. «Зўр карвон йўлида». Адабий кўрсатув.
11.35 Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси ўқитувчи ва талабаларининг концерти.
12.15 — 13.35 ЎзТВ хазинасидан. «Бозор кўрмаган йигит». Телеспектакль.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Ўсмирлар учун. «Умид учқунлари».
18.45 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. Анвар Эшонов. «Узилган киприклар». Адабий кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамблининг концерти.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиясида.
23.00 Ҳамид Ғулом, Қаҳрамон Комилов. «Ўзбекистон қўшиғи» ораторияси. Телепремьера.
23.25 — 23.50 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 «Билиб қўйган яхши».
18.55 «Ҳуқуқ ҳимоячилари».
19.30 «Мусиқий меҳмонхона».
20.30 «Бизнес-академия».
20.55 — 22.25 «Уғирлик». Бадиий фильм.

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Ташрифлар ва таклифлар».
19.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
*

«ОМАД» таништиради:
20.15 «Компьютер — Осиё».
20.45 «Автоклуб».
21.20 Эълонлар.
21.25 — 23.05 Видео — «О».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
5.00 — 8.00 «Телетонг».
***
17.50 «Бомонд».
18.10 «Аляска Кид». Телесериал. 9-серия — «Аср кураши».
19.00 «Мўъжизалар майдони».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 «Енгилмаслар».
20.00 «Время».
20.40 «Енгилмаслар».
20.45 — 22.10 «Бу дунё зўравонлари». Телесериал. 4-серия.

ШАНБА, 6

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 «Ўзбектелефильм» студияси фильмларининг телефестивали.
9.15 «Сирли сандиқ». Телеўйин.
10.10 Самбо бўйича Ўзбекистон чемпионати.
10.35 «Мусиқа жавони» саҳифаларида.
11.10 «Мардлик — мангулик!» телетанловига. Фарида Усмонова. «Она бағри». Телеспектакль. 1-қисм.
12.00 «Ҳужжатли экран».
12.40 — 14.00 «Заҳарли томчилар». Йўлдош Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театрининг спектакли.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим».
18.45 Спорт хабарномаси.
18.55 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. Нилуфар. «Соғиндим». Адабий кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Мусиқий дақиқалар.
20.05 «Мозийга бир назар».
20.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиясида.
22.15 «Олтин мерос». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, бастакор Матниёз Юсупов.
23.25 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
23.35 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
9.00 «Мультфейерверк».
9.25 «Табиат дунёси».
10.15 Янгиликлар.
10.20 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
10.40 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
11.05 Видеогид.
11.25 «Теле-ателье-шоу».
11.35 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.25 «Кинонигоҳ».
13.55 — 18.30 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».
*

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 «Ўй ҳайвонлари».
18.50 Болалар учун. «Табассум».
19.30 «Кинотриада».
20.30 «Бумеранг».
21.00 «Эстрада жилолари».
21.20 «Ноу-Хау плюс».
22.05 — 23.45 «Кинематограф».

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
10.00 «Солдат қўшиқлари ва тақдирлари».
11.00 «Қиймат ва қиммат».
11.35 «Нон таъми».
11.55 — 12.55 «Қўнгил орзулари фидо ўшанга». Ўзбекистон халқ артисти Ибрагим Юсупов.
***
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
19.20 «Колумб кашф этган диёр».
20.10 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.10 «Бу ажиб дунё».
21.30 «Менинг шаҳрим».
22.10 «Би-Би-Си» янгиликлари.
22.20 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «МҲСК» — «Динамо» (Самарқанд).
23.10 — 23.20 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
17.55 «Бехуда отилган ўқ». Мелодрама (Аргентина).
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 «Енгилмаслар».
20.00 «Время».
20.40 «Енгилмаслар».
20.45 — 21.45 «Виктория». Солдат қўшиқлари фестивали.

ЯКШАНБА,7

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 «Ўзбектелефильм» студияси фильмларининг телефестивали.
9.15 «Қувноқ стартлар».
10.00 «Ёшлик» студияси. «Ватанимга хизмат қиламан». Кўрсатув ва концерт.
11.00 «Мардлик — мангулик!» телетанловига. Фарида Усмонова. «Она бағри». Телеспектакль. 2-қисм.
11.50 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. «Азиз Ватан — барчамизники!»
12.30 — 14.00 «Болалигим — пошшолигим». Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Сеҳрли оҳанглар».
18.35 «Мультипанорама».
19.05 «Ойнаи жаҳонда...»
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ҳафтанома» (рус тилида).
20.00 Эълонлар.
20.05 «Якшанба оқшомида». Мусиқий кўрсатув.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ҳафтанома».
21.30 Эълонлар.
21.35 «Тимсол» видеоканали.
23.05 — 23.35 «Ҳафтанома».

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
10.00 «Омад» тақвими.
10.05 «Кўнгил».
10.10 «Жозиба».
10.30 «Бир шингил ҳангома».
10.40 «Ишингиз бароридан келсин!»
10.50 «Муҳаббатга ошно қалблар».
11.10 «Теле-ателье-шоу».
11.20 Видео янгиликлари.
11.45 Янгиликлар.
11.50 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.35 «Кинонигоҳ».
14.15 — 14.35 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).
***
17.00 «Совға».
17.30 «Даракчи».
17.55 «Жаҳон географияси».
18.45 «Панорама».
19.15 Эълонлар.
19.20 Видео — «О».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Курьер».
21.25 «...яна об-ҳаво ҳақида».
21.35 «Постфактум».
21.45 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).
22.05 Эълонлар.
22.10 «Салом, ёшлар!»
22.55 Эълонлар.
23.00 — 00.40 «Видео — «О».

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
9.00 Аэробика.
9.15 «Коллекция».
9.35 «Жонли сайёра».
9.55 Мультфильм.
10.35 «Акмалнинг янги саргузаштлари». Телевизион бадиий фильм. 1-серия (рус тилида).
11.40 «Менинг кўчам».
11.55 «Кинематограф».
13.35 — 13.45 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
*
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
***
18.40 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
19.05 Ғалабанинг 50 йиллигига. «Аскар мактублари».
19.35 «Ҳамкорлик — тараққиёт нишонаси».
20.05 «Би-Би-Си» янгиликлари.
20.15 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.15 «Бу ажиб дунё».
21.35 — 21.45 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
18.00 «Юзма-юз».
18.25 «Енгилмаслар».
18.30 «Эҳ, йўллар, фронт йўллари...»
18.35 «Бориб ўз кўзинг билан кўр». Бадиий фильм. 1 — 2-сериялар («Мосфильм» ва «Беларусьфильм», 1985 й.).
20.55 «Енгилмаслар».
21.00 «Якшанба». Ахборот-публицистик кўрсатув.
21.45 — 23.00 Радио кунига бағишланган концерт.

Инсон одоби билан гўзал

Мавзуни ёзувчи, журналист Мақсуд ҚОРИЕВ олиб боради

Абу Ҳомид Ғаззолий (1058 — III) Ислом оламининг буюк олими, адиби ва мутаффакиридир. Унинг «Босим», «Вожиз», «Восит» каби фиқҳ илмига оид асарлари, «Қароид ал-Ақоид», «Ар-Рисолат ал-Қудсия», Ал-Иқтисод фиъл-Эътиқод» сингари калом илмига оид асарлари ва барча исломий илмларни қамраб олган «Иҳё Улум ад-Дин» (форсча номи «Кимё-и саодат») асари маълум ва машҳур. Умуман Ғаззолийнинг асарлари юзга яқин.

Қуйида биз буюк олим «Мукошафатул-Қулуб» («Қалбларнинг кашфиёти») асари бир бобининг парчаларини эътиборингизга ҳавола қилаётирмиз.

Имом ҒАЗЗОЛИЙ

ТАВОЗЕ (КАМТАРЛИК, ОДОБ) ВА ҚАНОАТНИНГ ФАЗИЛАТИ

Пайғамбаримиз — Оллоҳнинг саломи устларига ёғилсин — буюрдиларки:

— Ким бирон одамни афв этса, Оллоҳ уни бошлиқ қилади. Ким Оллоҳ учун тавозе кўрсатса, Оллоҳ унинг даражасини баланд қилади.

***

Пайғамбаримиз — Оллоҳнинг саломи устларига ёғилсин — бир жамоа билан саҳобаларидан бирининг уйида бўлган ва ҳаммалари бирга овқатланиб ўтиришган эди. Эшикка бир тиланчи келди. Унда кишини жиркантирувчи бир фалажлик бор эди. Уйга киришига рухсат берилди. Кирганда Оллоҳ Расули уни тиззасига ўтқазди. Сўнгра таомга имо қилиб: «Е!» деди. Шу даврада ўтирган Қурайшлилардан бири у фалаж одамдан жирканиб юз ўгирди. Бу, ҳаммани ноқулай аҳволга солди. Кейинчалик бу одамнинг ўзи фалаж бўлди ва ўзи паст назар билан қараган киши каби то ўлгунча фалажлигича қолди.

***

Пайғамбаримиз шундай буюрди:

— Тавқо — карам. Тавозе — шараф. Соғлом ва қатъий ишонч — қалб бойлигидир.

***

Яна Пайғамбаримиз (с. а. в) буюрди:

— Тўрт нарса борки, Оллоҳ уларни фақат севган бандаларига беради:

1 — ўринсиз ва ёмон сўз гапирмасликни билиш. Бу биринчи ибодатдир.

2. — Оллоҳга таваккул.

3. — Тавозе

4. — Ёмонликлардан қўлини тортиш.

***

Бир куни Пайғамбаримиз саҳобаларга дедики:

— Менга нима бўлди, билмайман, сизларда ибодатнинг ширинлигини кўрмаяпман...

Саҳоба сўради:

— Ибодатнинг ширинлиги нима, эй, Оллоҳнинг Расули?

Расул буюрди:

— Тавозе!..

***

ҚАНОАТЛИ бўлишнинг фазилатига келсак:

Оллоҳ Расули буюрдиларки:

— Мўминнинг олийжаноблиги кўнгил тўқлигида ва Оллоҳдан бошқа ҳеч кимсанинг миннатига қолмаслигидадир. Қаноатли бўлишда — ҳурлик ва ўзига ўзи беклик бор.

Шунинг учун ҳам эл оғзида шундай гаплар юради:

— Кимнинг миннатини олмасанг, унга тенг бўлурсан. Истаган кишингга муҳтож бўл — унинг асири бўлурсан. Истаган кишингга эҳсон қил — унинг амири бўлурсан. Кифоят миқдори оз нарса, лекин у сени йўлдан оздирувчи кўп нарсадан яхшироқдир.

Баъзилар шундай дейдилар:

— Қаноатли бўлмоқдан ҳам фазилатли бойлик, таъмагирликдан ҳам кўпроқ эзувчи қашшоқликни кўрмадик.

***

Ризқ сендан қочган пайтларда қийинчиликка чида. Кўлингда борига қаноат қил. «Ўлсам ҳам, тирилсам ҳам, қўлга киритаман» деб машақатга ботма. Агар насиб бўлса қўлга киради.

***

Хасисларнинг хасислиги сени сувсатса, тўйиш ва чанқоқни қондириш жиҳатдан сенга қаноатли бўлиш кифоядир. Шундай бир инсон бўлгинки, оёғинг ерда, ғайрат ва шижоатинг юлдузларда бўлсин.

***

— Эй, осонлик билан топиладиган ризққа бор вужуди билан талабгор бўлган киши! Ҳайҳотки, сен ботилга (беҳуда ишга) ошиқсан. Кап-катта илон катта кучи билан чўлларнинг ўлаксаларига қорин тўйғазади. Қора пашша эса арзимас кучи билан бол ейди.

— Тубанликдан қоч. Бойликнинг кўплиги ва шиддатли ҳирс сени алдаб қўймасин. Оллоҳнинг берганига қаноат қил ва унинг тақсимотига рози бўл. Чунки қаноат шундай бир бойликдирки, ҳеч қачон тугамайди. Оллоҳ сенга хайрлар берсин, ортиқча бўлган егуликларнинг шундай бир ўйлашда ортиқчалигини, фойдасиз эканлигини кўрасан.

***

Ҳикмат аҳллари дерларки:

— Олийжаноблик — башанг кийим-кечак билан бўлмайди. Чунки чиндан ҳам башанг кийим билан неъматланиш ва чиройли кечак (пардоз-андоз) билан нақшлайиш кишини кўп банд қилади. Ҳаттоки, дунёга майл туфайли диний ҳукмларни адо этолмайди. Оҳанжамали кийим-кечаклар кўпинча кишини кибр ва ғурур кўчасига етаклайди.

Миразиз АЪЗАМ таржимаси.

АНГРЕН шаҳридаги 34-мактаб-интернатда шаҳар ҳокимлигининг раҳнамолиги билан етим ва кам таъминланган оила фарзандларидан саккиз нафар жажжи ўғлоннинг суннат тўйи бўлиб ўтди. Шаҳардаги барча корхона ва ташкилотлар бу хайрли тадбирни ўтказишга ўзларининг муносиб улушларини қўшдилар. Карнай-сурнай садолари, дошқозонда дамланган ош, тўкин дастурхон, - ташриф буюрган кўплаб меҳмонлар, болаларнинг қувончига қувонч қўшди. Шаҳар ҳокими Т. Анорбоев ҳар бир тўйболага 500 сўмдан пул ёзилган омонат дафтарчаларини тантанали равишда топширди.

Суратда: юзларида қувонч қулган тўйболалар.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Ҳаётий лавҳалар

ИНСОН АЗИЗ

— Ойижон, ойижон, нега менга чети учган пиёлада чой берасиз, — Сарвар зорланди.

Анвар ўглига юзланиб:

— Нима қилибди, ичавермайсанми, ана қара, чойнакнинг ҳам бурни учган.

Карима ота-боланинг киноясидан жаҳли чиқиб:

— Худди каттани кесиб кичкина қилгандек, мен сизларга янгисини қайдан оламан.

— Шкафда янги чойнак, пиёла тиқилиб ётибди-ку, анави томошага қўйган биллур идишлар турабердими?

— Ҳа, сенга биллур идишда овқат олиб келайми?

— Нима қипти, одам дунёга бир келади дейсиз-ку, ўзингиз, — деди Сарвар катталардек насиҳатомуз.

— Сарвар тўғри гапни айтди, турмуш қурганимизга мана ўттиз йил бўлибди, нуқул эски, чети синиқ, коса, пиёла-ю бурни учган чойнакда чой ичамиз, анави тунука лаганинг ҳам алмисоқдан қолган.

— Сарварга бу гапларни ўзингиз ўргатдингизми?

— Йўқ, ойижон, Аҳмаднинг ойиси айтди менга, — деди Сарвар.

— Қайси Аҳмад?

— Янги кўчиб келган қўшнилар бор-ку, ўша Дилбар опа айтди, ўзиям жуда чиройли.

— Нима деди, сени синиқ пиёлада чой ичганингни кўрибдими, ё ўзинг айтдингми?

— Йўқ, анави куни мени уйига олиб кирди. Столга оқ дастурхон ёзиб чиройли қилиб ясатиб қўйган экан. Менга тиллага ўхшаган пиёлага чой қуйиб берди. Чойнагини кўрсангиз эди. Шоколадларини айтмайсизми?

Мен:

— Нега бунақа қиммат идишларда овқат ейсизлар, — дедим.

Шунда Дилбар опа:

— Булар ўз меҳнатимизга келган. Фойдаланиш керак-да! Сақлаб қўйиб, нариги дунёга олиб кетармидик. Инсондан азиз нарса дунёда йўқ, дедилар.

Ф. НИЗОМОВА,
Сирғали туманн.

Билиб қўйган яхши

ДАШТИ ҚИПЧОҚ

ҚИПЧОҚ дашти ҳақида қадимги тарихий рисолаларда, ёдномаларда, бошқа қўлёзмаларда кўпинча ўқиб қоламиз. Дашти қипчоққа қайси жойлар кирган.

Маълум бўлишича, қипчоқ дашти Иртиш дарёсидан то Днепргача чўзилиб кетган кўп қисми даштлик ерлардир. Унга ҳозирги Қозоғистон, Волга бўйи ва Жанубий Россиянинг ерлари кирган. Бу тарихда XI асрдан буён маълумдир.

КЎРАГОН СЎЗИНИНГ МАЪНОСИ

КЎРАГОН асли мўғулча бўлиб Хоннинг куёви деган маънони билдиради. Чингизхон наслидан бўлган бирон хонга куёв бўлган аслзоданинг номига Кўрагоний деган сўз қўшиб айтилган. Темурийлар сулоласининг асосчиси Амир Темур соҳибқирон ҳам ана шу аслзодаларнинг куёви бўлганлиги боисидан Амир Темур Кўрагоний деб улуғланган.

ХУТБА НИМА?

ПОДШОҲЛАР, амирлар, хонлар, султонлар тахтга ўтириши муносабати билан уларнинг номлари ўша кундан бошлаб хутбага қўшиб ўқилган. Хутбалар жума куни ва Ҳайит намозлари чоғида масжидда хатиб (хутба ўқувчи) тарафидан ўқиладиган диний ва ҳаётий мавзулардаги маърузалардир.

ЎЗИМ ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛАМАН...

БУГУН тўй. Бош директоримиз Абдусамад Саидович қизларини чиқармоқдалар. Бутун жамоамиз билан Абдусамад аканинг хонадонига таклиф этилганмиз. Афтидан, тўйга Маҳмуд ҳам келар эмиш, хўжайинимиз айтдилар. Энди дўстим билан шу тантанали кечада кўришиб, маза қилиб гаплашиб оламан деб ўйладим.

Бир вақт тўй авжига чиққан вақтда «вазир келдилар», деб қолишди. Абдусамад Саидович рафиқалари билан чиқиб азиз меҳмонни кутиб олишди. Ҳамманинг эътибори вазирда, салом бериб, иложи бўлса бир қўлларини олсам деганлар кўп.

Афтидан катталар учун алоҳида хона тайёрлаб қўйилган экан.

— Иссиқ овқат олиб киринглар, кабобни қўйиб юборинглар, вазирнинг бир соатча вақтлари бор экан, — деди Абдусамад ака хизмат қилаётганларга.

Ҳамманинг эътибори ўша хонага қаратилган. Турли ичимликлар, таомлар бирин-кетин киритилмоқда.

Ҳасан безовта, эшик ёнида турганда дўсти унга бир қараб қўйди-ю, ўтиб кетди. Кўрдими, кўрмадими, сезмай қолди. Ўзи ҳам семириб, йилтиллаб кетибди. Кийимлари ҳам шай. Лавозим одамни бошқача қилиб юборар экан, кўнглидан ўтказди Ҳасан. Қаранг-а, бўлмаса, энг қадрдон дўсти, бир-бирлари билан ҳазил-ҳузул қилиб, бирга ош қилиб, бир лагандан овқат еб юрган қадрдонлар. Маҳмуд ҳамма сирларини, ҳатто ҳеч кимга айтиб бўлмайдиган дардларини ҳам унга сўзларди, маслаҳатлашарди. Уларнинг ўртасидан қил ўтмасди. Бир бурда нонни бирга бўлишиб еган вақтлари ҳам бўлган. Ҳатто қизлар билан кўришишга биргалашиб боришарди. Шу хотинига уйланишига ҳам Ҳасан сабабчи бўлган. Дала боғидаги қўшнисининг қизини ўртада туриб Маҳмудга олиб берган.

Ўша ёшлик ҳаваслари, бирга қилган орзу энди нима бўлди? Булар ҳаммаси ўтиб кетдими? Лавозим, даража барча эзгу туйғулардан воз кечишга мажбур этадими кишини? Дўстни ҳам, устозни ҳам, қариндош-уруғларни ҳам унутиб юбориш керак эканми? Нечун шундай, ахир энг баланд минора ҳам ердан кўтарилади-ку! Наҳотки Маҳмуд шуни тушунмаса! Куни кеча мен билан бирга чой ичиб юрган эдинг. Илминг ҳам, даражанг ҳам, фикрлаш доиранг ҳам мендан кўп эмас. Замонанинг зайли билан, омадинг келиб юқори лавозимга кўтарилдинг, энди Аллоҳнинг шундай марҳаматига шукурлар айлаб, одамларга яқин бўлиб, ўзингни камтар тутиб юрсанг бўлмайдими? Бўлмаса Абдусамад аканинг тўйига келганларнинг аксарияти Маҳмуднинг ўзи ишлаб кетган жамоанинг одамлари. Ўзинг унган, ўсиб чиққан шу жамоа билан бирга ўтирсанг обрўйингга обрў қўшилар эди-ку!..

Ҳасан шуларни ўйлаб, бир кўнгли дўсти ўтирган хонага кириб кайф устида дилидаги сўзларни айтмоқчи ҳам бўлди. Аммо, бундай қилиш мурувватдан эмас, бир одам умид билан тўй қилаётган бўлса, эшитган қулоққа яхши эмас. «Севманганга суйканма», дерлар бобокалонларимиз. Маҳмуднинг кўнглида бўлса, тўйга келган захоти алоҳида ажратилган хонага кирмасдан, жамоага ҳурмат юзасидан улар ўтирган меҳмонхонага кирган бўларди. Мени, қадрдон дўстининг шу ердалигини ҳам билади, балки эшик ёнида турганимда кўргандир. Қўлимдан ушлаб, ўша амалдорлар учун тайёрланган хонасига олиб кириб кетса, бир нарса бўлиб қолардими? Демак, Маҳмуд ўзи ўйлагандек содиқ дўст эмас экан, кўнгли тор, мансабпараст бўлиб чиқди.

Шу кезда унинг ёдига қадим бобокалонларимиздан қолган бир ҳикоят тушиб кетди:

Бир муллаваччанинг мадрасада бирга ўқиган дўсти замонанинг зайли билан подшоҳга вазир бўлиб қолибди. Мансабга кўтарилгач, оз вақт ўтмасданоқ эл-юрт ўртасида унинг ножўя ишлари, манманлиги хусусида ҳар турли гаплар тарқалиб кетибди. Дўстининг нопок, нокамтарин ишларини эшитиб бир боплай деб, гўё шундай катта лавозим эгаси бўлганлигидан ғоят хурсанд бўлгандай табриклаш учун ҳузурига борибди. Аммо унинг қабулига кира олмабди. Шундан кейин яна уч-тўрт марта борибди-ю, аммо унинг дийдорини кўриш насиб этмабди. Кейин бир варақ қоғозга «аҳмоқ» деб ёзиб, «шу хатни фақат шаҳсан вазирнинг ўзига беринглар», деб тайинлабди. Подшоҳнинг вазири хатни ўқиб, жаҳли чиқиб кетибди-да, одам юбориб дўстини оёғини ерга тегизмасдан олдириб келибди.

Вазир дўстига:

— Келган экансан... Қоғозга исмингни ёзиб кетибсан, — деб уни мулзам қилмоқчи бўлибди.

Шунда дўсти:

— Сени кўр бўлиб қолган деб эшитиб, хабар олгани келган эдим. — дебди ...

Шу вақт уйдагилар қўзғалиб қолишди. Абдусамад ака қўлида тўн, дўппи, белбоғ кўтариб эшик ёнида азиз меҳмонни кутиб турарди.

Маҳмуд чиқди. Унинг икки юзи қип-қизил бўлиб, кўзи юмилиб кетгандек туюлди Ҳасанга. Нима ҳам қилсин, фақир киши панада деганларидек бир чеккада индамасдан тураберди.

— Мартабангиз бундан ҳам зиёда бўлсин, — деди тўн кийдираётиб Абдусамад вазирга.

Ҳамма турганлар баравариг:

— Тўн муборак бўлсин, — дейишди.

Вазир тез-тез юриб, орқа эшиги очиқ турган машинага ўтирди-ю, тезда жўнаб қолди.

Тўй давом этаберди...

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ

- Камтарлик аълодир, мағрурлик балодир.
- Камтарликнинг камоли, манманликнинг заволи бор.
- Капкир юқорида осилик турганн билан барибир қозонинг четига урилади.
- Барча амал, мансаб соҳибларининг юз тубан кетишига сабаб — манманликдир.

Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт

ТЕННИСЧИЛАРНИНГ ХАЛҚАРО ТУРНИРИ

МУСТАҚИЛ Ўзбекистонимизда теннис шундай тез оммавийлашиб ва ривожланиб боряптики, буни қурилаётган янги-янги ўйингоҳлар ва шу спорт вакилларининг халқаро миқёсда тобора юқори натижаларга эришаётганлигидан билиб олса бўлади.

Шу кунларда яна бир йирик халқаро турнирга пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Ўсмирлар ўртасида буюк ипак йўли сателлит турнирларини бу сафар нафақат тошкентлик спорт муҳлислари балки самарқандлик ва фарғоналик томошабинлар ҳам кўра оладилар. Республикамизда бу спорт турига эътибор шунчалик кучайиб боряптики, ҳозирги тақчил вазиятга қарамай, 9 вилоятда замонавий ўйингоҳлар қурилмоқда. Фарғонада айни кунларда бир йўла 12 кортда мусобақа ўтказиш мумкин бўлган ўйингоҳ шитоб билан қад кўтармоқда. Термизда ана шундай спорт комплекси қурилиши тугалланмоқда.

Теннис шайдолари маҳоратига келсак, бугунги кунда Ўзбекистонда 24 спортчи эришган натижалар жаҳоннинг энг кучли спортчилари таснифидан ўрин олган. Минг-минглаб етук теннисчилар рўйхатида тошкентлик Олег Огородов 224-, Дмитрий Томошеевич эса 503-ўринни эгаллаб турибди. Кечагина катта теннисга кириб келган иқтидорли ёшлар Темур Ғаниев, Вадим Куценко, Анатолий Иванов, Фарҳод Ғуломов, Темур Хонхўжаев, Улуғбек Мусаев ва бошқалар бугунги кунда йирик халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб келишмоқда.

6-майдан 4-июнга қадар республикамизнинг бир қатор шаҳарларида ўтадиган теннисчиларнинг халқаро турнири Тошкентдаги «Юнусобод» марказий ўйингоҳида ниҳоясига етади. Бунда тўрт спортчимиз тўғридан-тўғри якунловчи баҳсларда қатнашса, 5 вакилимиз саралаш учрашувларида имтиҳондан ўтадилар. Тошкент турнирига Австрия, Руминия, Италия, Бельгия, Германия, Швеция, Чехия, Хитой ва бошқа бир қатор мамлакатлардан спортчилар келиши кутилмоқда.

Теннисчиларнинг бўлажак халқаро турнири олдидан оммавий-ахборот воситалари ходимлари учун матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Ўзбекистон теннис федерацияси президенти, республика Соғлиқни сақлаш вазири Ш. Каримов ва шу спорт мутасаддилари халқаро турнирга ва 26 августдан 3 сентябрга қадар давом этадиган «Президент кубоги» анъанавий халқаро мусобақасига кўрилаётган тараддуд ҳақида ахборот бердилар, журналистларни қизиқтирган саволларига батафсил жавоб қайтардилар.

У. ШАРОПОВ.

Вилоят футбол биринчилиги

ЯНА «ДЎРМОН» ПЕШҚАДАМ

Вилоят футбол биринчилигида туман ва шаҳарларнинг 16 жамоаси қатнашмоқда. Командалар иккитадан ўйин ўтказишди. Вилоят биринчилигининг эътиборли томони шундаки, аввалига майдонга ўсмир-ўринбосарлар тушадилар, сўнг асосий жамоалар беллашади. Маълумки, ўтган мавсумда «Дўрмон» футболчилари вилоят чемпионни унвонини қўлга киритишлари учун бир очко камлик қилган эди. Мавсумни яхшигина бошлаган Оққўрғоннинг «Ойтамғали» жамоасига эса ўйинчиларнинг интизомсизлиги панд берганди. Бу йилги биринчиликни бу икки жамоа муваффақиятли бошлаб, иккитадан ғалабага эришди.

Икки йиллик танаффусдан сўнг Янгийўлнинг Усмон Юсупов номли агрофирмасининг «Халқобод» футболчилари яна мусобақада иштирок этишмоқда. Мавсумнинг дастлабки ўйинига келган футбол муҳлислари нафақат янги жамоа ўйинини, балки катта спорт байрамининг гувоҳи бўлдилар. Мусобақа бошланиши олдидан санъаткорларнинг қизиқарли чиқишлари бўлди. Сўнгра Янгийўл тумани ҳокими Й. Тожибоев ўйинчиларга эсдалик совғалар топширди. Шу ўринда, жамоада футбол клубини қайта ташкил этишда агрофирма раҳбари Ботир Йўлдошевнинг хизматини таъкидлаб ўтиш жоиз бўларди.

«Халқобод» футболчиларининг Тошкент туманининг «Олатов» командаси билан ўтган қизиқарли учрашуви дуранг бўлиб тугади. Шу турда энг йирик ҳисоб Ангренда қайд этилди. Маҳаллий «Автомобилист» футболчилари Бекободнинг «Зафар» жамоасини 6:0 ҳисобида енгишди. Қолган учрашувлар қуйидаги натижалар билан якунланди: **«Мебелчи» (Чиноз) — «Цементчи» (Оҳангарон) — 2:0, «Ёшлик» (Пискент) — «Султонобод» (Оққўрғон) — 1:1, «Цементчи» (Бекобод) — «Олмалиқ» — 3:0, «Ойтамғали» (Оққўрғон)— «Бўкалик» — 3:0, «Дўрмон» — «Ғалабачи» (Солдатский) — 3:2.**

***

Бекободнинг «Металлург» жамоаси фахрийлари Жалолобод шаҳридан меҳмон бўлиб келган тенгдошлари билан ўртоқлик учрашуви ўтказдилар. Баҳс 2:2 ҳисобида тугади.

Владимир КОПАНЕВ,
Тошкент вилояти футбол федерацияси аъзоси.

ТЕГИРМОНЛАР ТИКЛАНМОҚДА

Оҳангарон туманидаги Гўшсой қишлоғида ун тегирмони ишга тушди. Кекса тегирмончи Ҳайтан ота Ёқубов яна отамерос касбини давом эттириб, ҳамқишлоқларининг кунига бир тоннагача донини ун қилиб бермоқда.

Гўшсойда бир пайтлар ўн иккита тегирмон бўлар эди. Айни кунларда улардан яна бирини тиклаш ишлари бошлаб юборилди.

(ЎзА мухбири).

ОЙЛИК БОШЛАНДИ

ҚИБРАЙ. Туманда жиноятчиликка қарши кураш ойлиги ўтказилмоқда. Унда барча давлат муассасалари, корхона ва ташкилотлар, меҳнат жамоалари ҳамда фуқаролар фаол иштирок этишмоқда.

Ойлик давомида жиноятнинг олдини олиш ва жамоат тартибини сақлаш тадбирларини мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилди.

Ҳозир туманда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўйича 12 та штаб ишлаб турибди. Уларнинг фаол иштироки билан жиноятчилик нисбатан камайди. «Давр овози» газетаси таҳририяти ўтказган бевосита мулоқот ҳам шу мавзуга бағишланди.

ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлар вазирлиги
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ИЧКИ ҚЎШИНЛАР БОШҚАРМАСИНИНГ 75 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ.
ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
13, 14 май соат 18.00 да
«КУЛГИ ВА ҚЎШИҚ КЕЧАСИ»
ҚАТНАШАДИЛАР:
Сўз устаси, киноактёр
МИРЗАБЕК ХОЛМЕДОВ
ВА
«МИРЗО» ҚИЗИҚЧИЛАР ТЕАТРИ
Тошкент вилояти ёшлар иттифоқининг совриндори, хушовоз хонанда
ИСМОИЛЖОН ҒУЛОМОВ
Чипталар Халқлар дўстлиги саройи кассаларида сотилмоқда.
Маълумот учун телефонлар: 45-07-65, 45-92-51.

Тошкент тумани ҳокимлиги «Тўлаби» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Султон Ҳамидовга падари бузруквори **Исабек ҲАМИДОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур хамдардлик билдиради.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир: **Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: *хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48* *Эълонлар: 33-99-15, 32-57-27.*

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0147. 17188 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 18.45. 1 2 3 4 5 6